

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**1-2-сон**  
**(969-970)**  
**2021 йил**  
**январь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

1. «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ўРҚ–661-сон Қонуни
2. «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ўРҚ–662-сон Қонуни
3. «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ўРҚ–663-сон Қонуни
4. «Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти тако-

миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ–664-сон Қонуни

5. «Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ–665-сон Қонуни
6. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ–666-сон Қонуни
7. «Ер участкаларини ноқонуний олиб кўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ–667-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

8. «Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 январдаги ПФ–6134-сон Фармони
9. «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ–4940-сон қарори
10. «Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ–4941-сон қарори
11. «Тошкент шаҳрида «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 январдаги ПҚ–4942-сон қарори
12. «2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ–4949-сон қарори [Кўчирма]
13. «Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизминини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ–4951-сон қарори

14. «Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4954-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

15. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 4 декабрдаги 55-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-2*)
16. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 25 декабрдаги 338-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-5*)
17. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2020 йил 15 декабрдаги 199-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094-1*)
18. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 15-сон, 2020 йил 9 декабрдаги 138-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-2*)
19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 11 январдаги 289-мқ-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049-1*)
20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 9 декабрдаги 26/7-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро

муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-6*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 1 Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 11 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **6-модданинг:**

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**олтинчи ва еттинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **17-модданинг:**

**учинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишни кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади»;

4) **20-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишни биринчи инстанция судида кўрган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, бу ишни такроран кўриши мумкин эмас, бундан янги очилган

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

ҳолатлар бўйича ишларни кўриш, шунингдек сиртдан иш юритиш тартибида қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳоллари мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўрган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида, ёхуд кассация инстанцияси судида мазкур Кодекснинг 419<sup>3</sup>-моддасига мувофиқ тақридан кўришда иштирок этиши мумкин эмас»;

5) **25-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида кўрилатганда судья ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган тақдирда, иш шу суднинг ўзида, лекин суднинг бошқа таркибида кўрилади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси судида, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судларида ушбу Кодекснинг 21-моддасида кўрсатилган сабабларга кўра рад қилиш қаноатлантирилганидан кейин мазкур ишни кўриш учун суднинг янги таркибини тузиш имкони бўлмаса, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши керак. Бундай ҳолда иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилади ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг фармойишига биноан бошқа тегишли судга кўриш учун юборилади»;

6) **29-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг судлови-га тегишли ишлар**

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ариза берувчи бўлган фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни, шунингдек қонун билан ўз ваколатига киритилган бошқа ишларни кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари алоҳида ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳар қандай ишни фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судидан олишга ва уни биринчи инстанция суди сифатида ўз иш юритувига қабул қилишга ёки ишни бир суддан бошқа фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига ўтказишга ҳақли»;

7) **40-модданинг биринчи қисмидаги** «шикоят қилиш» деган сўзлар «шикоят қилиш (протест келтириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **50-модданинг:**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

9) **138-модданинг еттинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **168-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Келишув битими апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тасдиқланган тақдирда, иш бўйича илгари қабул қилинган барча суд ҳужжатлари бекор қилиниши тўғрисида ажрим чиқарилади ва иш юритиш тугатилади»;

11) **249-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши керак. У фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланган бўлиши керак»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **260-модда** чиқариб ташлансин;

13) **264-модданинг биринчи қисмидаги** «юқори инстанция» деган сўзлар «апелляция инстанцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **270<sup>5</sup>-модданинг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин;

15) **275-модданинг:**

**номидаги «(қарори)»** деган сўз чиқариб ташлансин;

**биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги «(қарор)»** деган сўз чиқариб ташлансин;

16) **285-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«285-модда. Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза**

Жавобгар сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилган судга шу ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриб чиқиш тўғрисида ариза беришга ҳақли.

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 287 — 291-моддаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади»;

17) қуйидаги мазмундаги **285<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«285<sup>1</sup>-модда. Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш)**

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан ушбу Кодекснинг

44-бобида назарда тутилган тартибда апелляция шикоятлари (протести) берилиши мумкин»;

18) **298-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **43-боб** чиқариб ташлансин;

20) **44-бобнинг 383 — 402-моддалари** қўйидаги мазмундаги **383 — 402<sup>1</sup>-моддалар** билан алмаштирилсин:

### **«383-модда. Апелляция шикояти (протести) бериш ҳуқуқи**

Тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибда шикоят қилиши мумкин, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

Прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли.

### **384-модда. Апелляция шикоятларини (протестларини) кўриб чиқадиган судлар**

Қўйидагилар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўриб чиқади.

### **385-модда. Апелляция шикоятини (протестини) бериш тартиби**

Апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, лекин ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни чиқарган судга берилади.



Апелляция шикояти (протести) судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган апелляция шикояти (протести) мустасно.

Зарур ҳолларда, судья апелляция шикояти берган шахснинг ёки протест келтирган прокурорнинг зиммасига апелляция шикоятига ёхуд протестга илова қилинган ёзма материалларнинг кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб тақдим этиш мажбуриятини юклатиши мумкин.

### **385<sup>1</sup>-модда. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати**

Апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган апелляция шикояти (протести) апелляция шикоятини (протестини) берган шахсга қайтарилади.

Ўтказиб юборилган муддат, агар муддатни ўтказиб юбориш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномасига кўра биринчи инстанция судининг ажримига биноан тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ушбу Кодекснинг 155-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

### **386-модда. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни**

Апелляция шикоятида (протестида) қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) шикоят (протест) йўлланаётган суднинг номи;
- 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 3) шикоят қилинаётган ёки протест келтириляётган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва ушбу суд ҳужжатларини чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Апелляция шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Апелляция протестини прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди.

Апелляция шикоятида (протестида) шикоятни (протестни) берган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.

### **387-модда. Апелляция шикоятига (протестига) илова қилинадиган ҳужжатлар**

Апелляция шикоятига қўйидагилар илова қилинади:

давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

апелляция шикоятни вакил томонидан имзоланган тақдирда — уни имзолашга вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат;  
шикоят қилинаётган суд ҳужжатининг нусхаси.

Прокурорнинг иштирокисиз кўриб чиқилган иш бўйича апелляция шикоятига протест келтириш учун асос бўлиб хизмат қилган тарафнинг муурожаати нусхаси илова қилинади.

Суднинг аризани қайтариш ҳақидаги ёки аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция шикоятига (протестига) қайтарилган ариза ва унга қўшиб берилган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

### **388-модда. Апелляция шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш**

Агар апелляция шикоятини (протестини) бериш пайтида ушбу Кодекс 385 — 387-моддаларининг талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса, апелляция шикоятни (протести) ҳаракатсиз қолдирилади.

Апелляция шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу шикоятнинг (протестнинг) ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатган ҳолда ажрим чиқаради. Ажрим апелляция шикоятни (протести) берган шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Агар шикоят (протест) берган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этса, шикоят (протест) дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят (протест) берилмаган ҳисобланиб, шикоятни (протестни) берган шахсга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади. Шикоят (протест) уни берган шахсга ажрим билан бирга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади.

### **389-модда. Биринчи инстанция судининг апелляция шикоятини (протестини) олганидан кейинги ҳаракатлари**

Судья ёки суд раиси апелляция шикоятини (протестини) олгандан кейин:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхасини юбориши;

2) ишда иштирок этувчи шахсларни апелляция инстанцияси судида ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиши;

3) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида ишни келиб тушган шикоят (протест) билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан шикоят қилиш (протест келтириш) учун белгиланган муддат ичида ҳеч ким ишни суддан талаб қилиб олиши мумкин эмас. Ишда иштирок этувчи шахслар судда иш материаллари ва келиб тушган шикоят (протест) билан танишишга ҳақли.

Шикоят қилиш (протест келтириш) учун ўтказиб юборилган муддат тикланган тақдирда биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Ҳал қилув қарорининг ижроси апелляция инстанцияси суди томонидан шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим қабул қилингунига қадар бўлган муддатга тўхтатилади.

### **390-модда. Апелляция шикоятига (протестига) қўшилиш**

Суд процессида апелляция шикояти берган тараф томонида иштирок этаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар берилган шикоятга қўшилиши мумкин. Мазкур шахслар келтирилган апелляция протестига ҳам қўшилиши мумкин.

Шикоятга (протестга) қўшилиш ҳақида ариза берилганда давлат божи ундирилмайди.

### **391-модда. Апелляция шикояти (протести) юзасидан тушунтириш бериш (эътироз билдириш)**

Ишда иштирок этувчи шахслар шикоят (протест) юзасидан судга тушунтиришлар (эътирозлар) уларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб, тақдим этишга ҳақли.

Тушунтиришлар (эътирозлар) ишда иштирок этувчи шахслар сонига қараб мутаносиб миқдордаги кўчирма нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган тушунтиришлар (эътирозлар) мустасно. Суд тушунтиришларнинг (эътирозларнинг) кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларга топширади (юборади).

### **392-модда. Апелляция инстанцияси судининг ишни шикоят (протест) билан бирга олганидан кейинги ҳаракатлари**

Зарур ҳолларда, апелляция инстанцияси суди:

ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят (протест) юзасидан тушунтиришлар (эътирозлар) тақдим этишни таклиф қилади. Тушунтиришлар (эътирозлар), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар ишда иштирок этувчи шахслар сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган тушунтиришлар (эътирозлар), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар мустасно. Суд тушунтиришларнинг (эътирозларнинг) кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларга топширади (юборади);

ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз таъаббуси билан далилларни талаб қилиб олади.

**393-модда. Апелляция шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш**

Апелляция шикояти берган шахс апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга ҳақли.

Апелляция протести келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилганда ва протест қайтариб олинган тақдирда, апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради ҳамда унга кўра апелляция тартибида иш юритишни тугатади.

Апелляция шикояти (протести) рад этилганлиги (қайтариб олинганлиги) сабабли мазкур шикоят (протест) бўйича апелляция тартибида иш юритишнинг тугатилиши, агар тегишли суд қарори устидан бошқа шахслар томонидан шикоят қилинган бўлса, бошқа апелляция шикоятларини (протестини) кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

**394-модда. Даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими**

Апелляция шикояти (протести) берилгандан кейин даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида апелляция инстанцияси судига тақдим этилиши керак.

Агар иш муҳокамаси давомида даъвогар арз қилинган талабларидан воз кечса, жавобгар билдирилган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузса, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд даъводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаганида чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бошқа бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд воз кечишни қабул қилмайди ёхуд тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этади ва ишни апелляция тартибида кўриб чиқади.

**395-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўриш муддати**

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув

қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) иш судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Алоҳида ҳолларда, апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов хайъати томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

### **396-модда. Апелляция инстанцияси судининг ишни кўриш доираси**

Суд ишни апелляция тартибида кўраётганда суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт.

### **397-модда. Апелляция инстанцияси судида ишларни кўриш тартиби**

Апелляция инстанцияси судида суд муҳокамаси мазкур моддада белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, ушбу Кодекснинг 22-бобида белгиланган қоидалар бўйича ўтказилади.

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида раислик қилувчи ушбу Кодекснинг 211 ва 212-моддаларига амал қилган ҳолда, суд мажлисида тегишли тартибни таъминлашга доир зарур чораларни кўради.

Раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикояти (протести) бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори устидан қандай иш кўрилишини эълон қилади. Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларнинг қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини аниқлайди, судга келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахсларнинг ва вакилларнинг ваколатларини текширади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини эълон қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилишга доир ҳуқуқларини тушунтиради.

Арз қилинган рад қилишлар ушбу Кодекснинг 4-бобида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ишда иштирок этувчи шахсларнинг бирор-бири суд мажлисига келмаган тақдирда, суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги ишнинг муҳокамасига тўсқинлик қилмайди. Бироқ суд бундай ҳолларда ҳам

судга келмаганлик сабабларини узрли деб топиб, ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

Прокурорнинг ёки адвокатнинг судга узрли сабабларсиз келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, бу ҳақда тегишли юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига хабар беради.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция инстанциясида ишнинг муҳокамаси билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича илтимосномалари ва аризалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари эшитилгандан кейин суд томонидан ҳал этилади.

Апелляция инстанцияси судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатларини, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикоятда (протестида) келтирилган вазиятларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътирозларни), янги далилларнинг мазмунини, шунингдек суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган бошқа маълумотларни баён қилади.

Суд раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузасидан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитади, бу шахслар апелляция шикоятда (протестида) кўрсатилмаган вазиятларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳам ҳақли.

Дастлаб апелляция шикояти берган шахс ва унинг вакили ёки, агар иш протест бўйича кўриляётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар иккала тараф томонидан шикоят қилинган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ушбу Кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этувчи давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар, агар улар суднинг ҳужжати устидан шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанцияси судида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан сўнг прокурор суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида фикрини баён этади, бундан прокурорнинг протести бўйича қайта кўриляётган суд ҳужжатлари мустасно.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурор фикри эшитилгандан сўнг апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими иш кўрилгандан сўнг дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда, асослантирилган ажримни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин, бироқ ажримнинг ҳулоса қисми суд апелляция муҳокамаси тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак.

Судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни ўқиб эшиттириш ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**398-модда. Апелляция инстанцияси судида иш юритишни тўхтатиб туриш**

Апелляция инстанцияси суди иш юритишни ушбу Кодекснинг 10-бокида назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради.

**399-модда. Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасликка;

2) ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёки ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ҳал қилув қарорини қисман ёки бутунлай бекор қилишга ҳамда ушбу Кодекснинг 122 ва 124-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга;

4) ушбу Кодекс 399<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 4-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

Суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмаганлиги ёки нотўғри ҳал қилинганлиги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда, ажримнинг хулоса қисмида суд харажатлари ушбу Кодекснинг 138 — 141-моддаларида назарда тутилган тартибда тақсимланиши кўрсатилади.

**399<sup>1</sup>-модда. Суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари**

Суд ҳужжатини апелляция тартибида бекор қилишга ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) суднинг ҳал қилув қарориди баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ҳуқуқ нормаларининг ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори фақат расмий асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас.

**399<sup>2</sup>-модда. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш**

Қуйидаги ҳолларда моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланилган деб ҳисобланади, агар:

- 1) суд қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати-ни қўлламаган бўлса;
- 2) суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжа-тини қўллаган бўлса;
- 3) суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжати нотўғри талқин қилган бўлса.

### **399<sup>3</sup>-модда. Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки но-тўғри қўллаш**

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланил-ганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина ҳал қилув қарорининг, ажримнинг ёки қарор-нинг бекор қилинишига асос бўлади.

Агар:

- 1) иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда ёки тааллуқлилик тўғри-сидаги қоидалар бузилган ҳолда кўрилган бўлса;
- 2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмаган шахслардан бирор-бири йўқлигида кўрилган бўлса;
- 3) иш кўрилаётганида иш юритилаётган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;
- 4) суд ишида иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилган бўлса;
- 5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса;
- 6) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор судья томонидан имзоланмаган ёки ишни кўрган ва ҳал қилган судьялардан (судьядан) бошқа судьялар (судья) томонидан имзоланган бўлса;
- 7) ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилиниши мумкин.

### **399<sup>4</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судининг ажрими**

Апелляция инстанцияси судининг ажримида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган сана ва жой;
- 2) ажрим чиқарган суднинг номи ва таркиби;
- 3) тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг иштироки тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) иш кимнинг шикояти ёки протести бўйича кўриб чиқилганлиги;
- 5) шикоят қилинган ёки протест келтирилган суд ҳужжатининг номи ва унинг қисқача мазмуни;
- 6) шикоятда ёки протестда баён этилган важлар, тақдим этилган мате-риалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри;
- 7) апелляция инстанцияси суди хулосага келишига асос бўлган сабаб-лар ҳамда суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари;
- 8) қарорнинг хулоса қисми.



Суд шикоятни (протестни) рад қилган тақдирда ўз ажримда қайси сабабларга кўра шикоятдаги (протестдаги) важларни нотўғри деб ёки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёхуд янги ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлмайти деб топганлигини кўрсатиши шарт.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими ишни кўрган судьялар томонидан имзоланади.

Апелляция инстанцияси суди ажримининг нусхалари ишда иштирок этган шахсларга ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими чиқарилган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

#### **400-модда. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан хусусий шикоят (протест) бериш ҳуқуқи**

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар биринчи инстанция судининг ажримлари устидан суд томонидан ажрим топширилган ёки юборилган кундан эътиборан йигирма кун ичида апелляция инстанцияси судига қуйидаги ҳолларда суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилиши ва прокурор протест келтириши мумкин:

1) ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда;

2) суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолларда.

Биринчи инстанция судининг бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят (протест) берилмайти, бироқ бундай ажримларга қарши эътирозлар апелляция шикоятига (протестига) киритилиши мумкин.

#### **401-модда. Хусусий шикоятлар (протестлар) бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

Хусусий шикоятлар (протестлар) ушбу бобда белгиланган тартибда берилади ва кўриб чиқилади.

#### **402-модда. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят қилинганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Апелляция инстанцияси суди хусусий шикоятни (протестни) кўриб чиқиб:

1) ажримни ўзгартишсиз қолдиришга, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасликка;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга ҳақли.

**402<sup>1</sup>-модда. Биринчи инстанция судининг қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести)**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича биринчи инстанция судининг қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) мазкур бобда биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят (протест) бериш учун назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади»;

21) **403** ва **404-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«403-модда. Кассация шикояти (протести) бериш ҳуқуқи**

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан кассация шикояти бериши, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно, прокурор эса ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда кассация протести келтириши мумкин.

**404-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўрадиган суд**

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан берилган кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади»;

22) **405-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти (протести) бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Кассация шикояти (протести) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган кассация шикояти (протести) мустасно.

Зарур ҳолларда, судья кассация шикояти берган шахс ёки протест келтирган прокурор зиммасига кассация шикоятига (протестига) илова қилинган ёзма материалларнинг кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб тақдим этиш мажбуриятини юклатиши мумкин.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходим бир ишдан бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганида уни илгариги ишига тиклаш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) ушбу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинган тақдирдагина қабул қилинади»;

23) қуйидаги мазмундаги **405<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«405<sup>1</sup>-модда. Кассация шикояти (протести) бериш муддати**

Кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг ажри-ми қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши мумкин.

Ўтказиб юборилган кассация шикояти (протести) бериш муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномасига кўра кассация инстанция судининг судьяси томонидан, башарти илтимоснома кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилса, тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган кассация шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади»;

**24) 406-модданинг:**

**биринчи қисми 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) шикоят қилинаётган (протест келтириляётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва ушбу суд ҳужжатларини чиқарган суд»;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация протести протест келтирган прокурор томонидан имзоланган бўлиши керак»;

**25) 407-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Прокурорнинг иштирокисиз қўрилган иш бўйича кассация протести-га тарафнинг протест келтиришга асос бўлиб хизмат қилган мурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Кассация шикоятига (протестига) иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари илова қилиниши керак»;

**иккинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

26) қуйидаги мазмундаги **407<sup>1</sup> — 407<sup>7</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«407<sup>1</sup>-модда. Ишни талаб қилиб олиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикояти (протести) бўйича ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурор ва уларнинг ўринбосарлари ушбу Кодекснинг 403-моддасида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда, кассация протести келтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли»;

**407<sup>2</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикоятини (протестини) беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганади.

Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижалари бўйича судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

2) кассация шикоятини (протестини) қайтариш ҳақида;

3) кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва ишни талаб қилиб олиш тўғрисида.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган ажримнинг кўчирма нусхаси шикоятга (протестга) илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кассация шикоятини (протестини) берган шахсга ушбу Кодекснинг 273-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатда юборилади.

#### **407<sup>3</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

1) кассация шикояти (протести) суд ҳужжати устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

2) кассация шикояти (протести) қонуний кучга кирмаган ёки қонунчиликка мувофиқ кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган ёхуд апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

3) кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

4) кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган ва ўтказилган муддатни тиклаш рад этилган бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримда кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилади, кассация шикоятини беришда тўланган давлат божини қайтариш ҳақидаги масала ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжатининг кассация шикояти (протести) бериш муддати ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган тақдирда, кассация шикояти (протести) судга дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади.

#### **407<sup>4</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш**

Кассация шикояти (протести) қуйидаги ҳолларда қайтарилади, агар:

1) шикоят (протест) ушбу Кодекс 406-моддаси биринчи қисмининг 1 — 5-бандларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

2) шикоятга (протестга) шикоят (протест) қилинаётган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари илова қилинмаган бўлса;

3) шикоятга давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки унинг миқдорини камайтириш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) шикоятга вакилнинг шикоятни имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган бўлса;

5) прокурорнинг иштирокисиз кўрилган иш бўйича кассация протестига тарафнинг протест келтиришга асос бўлиб хизмат қилган мурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинмаган бўлса;

6) шикоят (протест) бериш муддати ўтган ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома мавжуд бўлмаса;

7) шикоятни (протестни) қайтариш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш ҳақидаги ажримда шикоятни (протестни) қайтариш асослари кўрсатилади, кассация шикоятини беришда тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Шикоят (протест) берган шахс ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин умумий тартибда қайтадан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисидаги ариза суд ҳужжатининг кассация шикояти (протести) бериш муддати ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш ҳақидаги ажрим бекор қилинган тақдирда, кассация шикояти (протести) судга дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади.

#### **407<sup>5</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ушбу Кодекс талабларига риоя этган ҳолда берилган кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиши шарт.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган сана ва жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;

3) шикоят (протест) берган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи);

4) устидан шикоят (протест) берилаётган суд ҳужжатлари;

5) тегишли суддан ишни талаб қилиб олиш ҳақидаги хулоса.

#### **407<sup>6</sup>-модда. Суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси суди (судьяси) биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, апелляция инстанцияси суди ажримининг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Судья суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади.

#### **407<sup>7</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш**

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги масала иш кассация инстанцияси судига келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳақидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Кассация шикояти (протести) берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ишни кассация инстанциясида кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади. Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги ишнинг кассация тартибида кўрилишига тўсқинлик қилмайди»;

27) **408-модда** чиқариб ташлансин;

28) **409-модда** чиқариб ташлансин;

29) **412-модда** чиқариб ташлансин;

30) **413-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти берган шахс кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга ҳақли.

Кассация протести келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилган ва протест чақариб олинган тақдирда, кассация инстанцияси суди ажрим чиқариб, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

Кассация шикоятдан (протестидан) воз кечилганлиги (унинг чақариб олинганлиги) сабабли у бўйича иш юритувнинг тугатилиши, агар суд ҳужжати устидан бошқа шахслар томонидан шикоят қилинган бўлса, бошқа

кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди»;

31) **415-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«415-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўриш муддати**

Кассация шикояти (протести) уни суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддатини ишни кўриб чиқаётган судлов хайъати томонидан кўпи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин»;

32) **416-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ишни кассация тартибида кўраётганида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини ишдаги материаллар бўйича текширади.

Кассация инстанцияси суди янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга эмас»;

33) **417-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«417-модда. Ишни кассация инстанцияси судида кўриш тартиби**

Кассация тартибида иш ушбу Кодекснинг 397-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосан, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўрилади.

Кассация инстанцияси судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи иш ҳолатларини, биринчи ва апелляция инстанциялари суди ҳужжатларининг мазмуни, кассация шикоятининг (протестининг) важлари ва келиб тушган тушунтиришлар (эътирозлар) мазмунини баён қилади. Шундан сўнг суд мажлисида ҳозир бўлган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари эшитилади.

Дастлаб кассация шикояти берган шахс ёки унинг вакили ёхуд, агар иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Суд ҳужжати устидан ҳар иккала тараф томонидан шикоят берилган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурор фикри эшитилганидан кейин, кассация инстанцияси суди ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Кассация инстанцияси судининг ажрими иш кўрилганидан кейин дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда асослантирилган ажрим тайёрланиши беш кунгача бўлган муддатга қолдирилиши мумкин, бироқ суд ажримнинг қарор қисмини кассация муҳокамаси тугаган мажлисда эълон қилиши керак»;

34) **419-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

1) ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантirmасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгартиришга;

4) ушбу Кодекс 399<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида ва 399<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган суд инстанциясига юборишга;

5) ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатишга;

6) айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга»;

35) қуйидаги мазмундаги **419<sup>1</sup> — 419<sup>3</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

#### **«419<sup>1</sup>-модда. Кассация инстанцияси судининг ажрими**

Кассация инстанцияси судининг ажримида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ажрим чиқарилган сана ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи ва таркиби;

3) тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

4) иш кимнинг шикояти (протести) бўйича кўриб чиқилганлиги;

5) шикоят қилинган ёки протест келтирилган суд ҳужжатининг номи ва унинг қисқача мазмуни;

6) шикоятда (протестда) баён этилган важлар, тақдим этилган материалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари, прокурорнинг фикри;

7) кассация инстанцияси судининг хулосага келишига асос бўлган сабаблар ҳамда суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари;

8) қарорнинг хулоса қисми.

Суд ҳужжатлари бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилган тақдирда, кассация инстанцияси суди ишни янгидан кўрганда қайси ҳолатлар аниқланиши зарурлигини, қайси далиллар талаб қилиб олиниши кераклигини, шунингдек иш топширилаётган суд бошқа қандай ҳаракатларни бажариши кераклигини кўрсатиши шарт.

Кассация инстанцияси суди шикоятни (протестни) рад қилган тақдирда, шикоят (протест) важлари нотўғри деб топилиши ёки ҳал қилув қаро-



рини бекор қилиш, ўзгартириш ёхуд янги ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлмаслиги сабабларини ўз ажримда кўрсатиши шарт.

Кассация инстанцияси судининг ажрими ишни кўрган судьялар томонидан имзоланади.

Кассация инстанцияси суди ажримининг нусхалари ишда иштирок этган шахсларга ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Кассация инстанцияси судининг ажрими чиқарилган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

### **419<sup>2</sup>-модда. Кассация инстанцияси суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги**

Кассация инстанцияси судининг ажримда баён қилинган кўрсатмалар мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Кассация инстанцияси суди у ёки бу далилнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги тўғрисидаги, айрим бир далилларнинг бошқаларидан устунлиги ҳақидаги, иш янгидан кўрилган тақдирда қандай қарор чиқарилиши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

### **419<sup>3</sup>-модда. Ишни кассация тартибида такроран кўриш**

Ушбу Кодекснинг 403-моддасида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза кассация шикоят (протести) бериш муддати ичида, мазкур муддат ўтган ҳолларда эса — ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган муддатлар ўтганидан кейин берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Ушбу Кодекс 399<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритишга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш умумий асосларга кўра амалга оширилади»;

36) **420-модда** чиқариб ташлансин;

37) **421-модда** чиқариб ташлансин;

38) **46-боб** чиқариб ташлансин;

39) **438-модданинг матнидаги** «Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси» деган сўзлар «Апелляция ёки кассация инстанцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **439-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки прокурор» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

41) **458-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилган ёки бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган ёки иш юриштишни тугатиш тўғрисида ёхуд аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда, ўзгартирилган ёки бекор қилинган суд ҳужжати бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг барчаси жавобгарга қайтариб берилиши керак (ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси)»;

42) **460-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«460-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масаланинг апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилиниши**

Апелляция ёки кассация инстанцияси суди ҳуқуқ тўғрисидаги низони узил-кесил ҳал қилса ёки иш юриштишни тамомласа, суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиши ёхуд уни ҳал қилиш учун биринчи инстанция судига топшириши шарт.

Агар юқори турувчи суднинг ажримда суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала бўйича ҳеч қандай кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли. Биринчи инстанция суди бу аризани ушбу Кодекснинг 459-моддаси қондаларига биноан кўриб чиқади ва ҳал қилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 январь,  
ЎРҚ-661-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**2 Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 11 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ-462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг:**

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция, кассация шикоятларини (протестларини) кўриш натижалари бўйича апелляция ва кассация инстанциялари судлари томонидан қарорлар қабул қилинади»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

3) **17-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи инстанция бўйича маъмурий ишлар (бундан буён матнда иш деб юритилади) туманлараро маъмурий судида, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судида судья томонидан яқка тартибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судида биринчи инстанция бўйича ишлар уч нафар судьядан иборат таркибда ҳайъатда кўрилади.

Ишни апелляция ва кассация тартибда кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда ҳайъатда амалга оширилади.

Ишни кассация тартибда такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда ҳайъатда амалга оширилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда судьялардан бири суд мажлисида раислик қилади.

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

Ишни кўришда барча судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Ушбу Кодексга биноан судьяга ишни якка тартибда кўриш ва айрим масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган тақдирда, судья суд номидан иш кўради»;

4) **20-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмас, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд ушбу Кодекснинг 248<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ кассация инстанцияси судида такроран кўришда иштирок этиши мумкин эмас»;

5) **24-модданинг иккинчи қисмидаги** «бир таркибли судда эса шу судья» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **27-модда биринчи қисмининг 5-банди** қуйидаги мазмундаги **5, 6, 7-бандлар** билан алмаштирилсин:

«5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

6) ушбу Кодекснинг 27<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;

7) ушбу Кодекснинг 27<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилади»;

7) қуйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup>** ва **27<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

#### **«27<sup>1</sup>-модда. Инвестициявий низолар бўйича ишлар**

Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киради.

#### **27<sup>2</sup>-модда. Рақобат тўғрисидаги ишлар**

Рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар ҳисобланади»;

8) **28-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судга тааллуқли ишлар туманлараро маъмурий судлар томонидан кўрилади, бундан Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар мустасно.

Инвестиция низолари бўйича йирик инвесторнинг, рақобат тўғрисидаги ишлар бўйича томонларнинг хоҳишига кўра ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади»;

9) **29-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судловига тегишли ишлар**

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари биринчи инстанция суди сифатида давлат сирлари билан боғлиқ ишларни кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни туманлараро маъмурий суддан олиб кўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли»;

10) **30-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди иш кассация тартибида такроган кўриб чиқиладиганда ҳал қилув қарори, қарор бекор қилиниб, уни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юбориладиганда ишни ўз иш юритувига биринчи инстанция суди сифатида қабул қилишга ҳақли»;

11) **33-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига такдим этилиши мумкин.

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари), шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъво аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига такдим этилиши мумкин»;

12) **46-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«Ариза туманлараро маъмурий судларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга

тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тақдим этилади»;

13) **112-модданинг учинчи қисмидаги** «ёки назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **115-модданинг еттинчи қисмидаги** «апелляция, кассация, назорат» деган сўзлар «апелляция, кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **144-модданинг тўртинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **165-модданинг матнидаги** «йигирма кун» деган сўзлар «бир ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **173-модданинг учинчи қисмидаги** «йигирма кундан» деган сўзлар «бир ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **189-модданинг олтинчи қисмидаги** «йигирма кун» деган сўзлар «бир ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **190-модданинг иккинчи қисмидаги** «туман (шаҳар) судига» деган сўзлар «туманлараро маъмурий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **200-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни беришга ҳақлидир, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

21) **201-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Апелляция шикоятни (протести):

туманлараро маъмурий суднинг ҳал қилув қарори устидан берилганда — Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан;

ҳудудий ҳарбий суднинг ҳал қилув қарори устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади»;

22) **203-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «йигирма кун» деган сўзлар «бир ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин»;

23) **207-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш масаласи шикоят (протест) иш билан бирга судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси суди судьяси томонидан яқка тартибда ҳал қилинади.

Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади, ишда иштирок этувчи шахслар бу ҳақда уч кунлик муддатда хабардор қилинади»;

24) **213-модданинг учинчи қисмидаги** «назорат тартибида» деган сўзлар «кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **214-модданинг тўртинчи қисмидаги** «назорат тартибида» деган сўзлар «кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **224-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари эса кассация протести беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақлидир, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

27) **225-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«225-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўрувчи суд**

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади»;

28) **226-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти (протести) бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига берилади»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

29) **227-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши мумкин.

Ўтказиб юборилган кассация шикояти (протести) бериш муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномасига кўра кассация инстанция судининг судьяси томонидан, башарти илтимоснома кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилса, тикланиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ёки уни тиклашни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилади»;

30) **228-модданинг биринчи қисмидаги «судга»** деган сўз «кассация инстанцияси судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) қуйидаги мазмундаги **230<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«230<sup>1</sup>-модда. Ишни талаб қилиб олиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикояти (протести) бўйича суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларнинг ўринбосарлари иш бўйича тарафларнинг мурожаати бўлганда, кассация протести келтириш тўғрисидаги масаласини ҳал қилиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли»;

32) **231-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«231-модда. Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси кассация шикоятини (протестини) беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганеди.

Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижалари бўйича судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва ишни талаб қилиб олиш тўғрисида;

2) кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

3) кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ажримнинг кўчирма нусхаси кассация шикоятини (протестини) берган шахсга ушбу Кодекснинг 171-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатда юборилади»;

33) **232-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ажрим чиқарилган сана ва жой;



2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;

3) шикоятни (протестни) берган шахснинг, протест келтирган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи);

4) устидан кассация шикояти (протести) берилган суд ҳужжатлари;

5) тегишли суддан ишни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳулоса»;

34) **233-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

1) кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

2) кассация шикояти (протести) қонунга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

3) кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

4) кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатининг тикланиши рад этилган бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримда кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилади, кассация шикоятини бериш чоғида тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган тақдирда, кассация шикояти (протести) судга дастлаб мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади»;

35) **234-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси қуйидаги ҳолларда кассация шикоятини (протестини) қайтаради, агар:

1) кассация шикояти (протести) ушбу Кодекс 228-моддаси иккинчи қисмининг 1 — 5 бандларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

2) давлат божи ва почта харажатлари белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кассация шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

3) кассация шикоятига (протестига) унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигига доир далиллар илова қилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятни (протестини) қайтариш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажримда кассация шикоятини (протестини) қайтариш асослари кўрсатилади, касса-

ция шикоятини бериш чоғида тўланган давлат божини қайтариш тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси шикоятни (протестни) берган шахсга шикоят (протест) ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга юборилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган тақдирда, кассация шикояти (протести) дастлаб судга мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, шикоятни (протестни) берган шахс умумий тартибда янғидан мурожаат қилишга ҳақли»;

36) қуйидаги мазмундаги **234<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«234<sup>1</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш**

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги масала иш судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади»;

37) **236-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«236-модда. Суд ҳужжатларининг ижросини тўхтатиб туриш**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси суди (судья) биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарори, апелляция инстанция суди қарори ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида судья кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади»;

38) **237-модданинг:**

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

39) **238-модда:**

**биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) кассация шикояти (протести) апелляция тартибида кўрилмаган ёки ушбу Кодексга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган) суд ҳужжати устидан берилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

40) **239-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикояти (протес-

ти) бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори устидан қандай иш кўрилишини эълон қилади.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан қай бири суд мажлисига келмаганлигини, уларнинг келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини, келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатларини текширади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, суд мажлиси котиби, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини эълон қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилишга доир ҳуқуқларини тушунтиради.

Рад қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 4-бобида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ишда иштирок этувчи шахсларнинг бирор-бири суд мажлисига келмаган тақдирда, суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги ишнинг муҳокамасига тўсқинлик қилмайди. Бироқ суд бундай ҳолларда ҳам судга келмаганлик сабабларини узрли деб топиб, ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

Прокурорнинг судга узрли сабабларсиз келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, бу ҳақда юқори турувчи прокурорга тегишли хабар бериши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг кассация инстанциясида ишнинг муҳокамаси билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича илтимосномалари ва аризалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари эшитилгандан кейин суд томонидан ҳал этилади.

Кассация инстанцияси судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатларини, биринчи ва апелляция инстанцияси суди суд ҳужжатларининг мазмунини, кассация шикоят (протести) важларини ва улар юзасидан келиб тушган тушунтиришларни (эътирозларни) баён қилади. Шундан сўнг суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлари тингланади.

Дастлаб кассация шикояти берган шахс ва унинг вакили ёки, агар иш протест бўйича кўрилатган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар иккала тараф томонидан шикоят қилинган бўлса, биринчи бўлиб аризачи сўзга чиқади.

Ушбу Кодекснинг 47-моддасида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этувчи ваколатли давлат органлари ва бошқа шахслар, агар улар суд ҳужжати устидан шикоят қилмаган бўлса, кассация инстанцияси судида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлари тинглангандан сўнг кассация инстанцияси суди қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Кассация инстанцияси суди қарори ишни кўриш тугаши биланок дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда, асослантирилган қарорни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин, бироқ унинг қарор қисмини суд кассация муҳокамаси тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак.

Судьялар маслаҳатлашуви, қарор чиқариш ва уни ўқиб эшиттириш ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

41) **241-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ишни кассация тартибда кўриш чоғида биринчи ва апелляция инстанциялари суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини иш материаллари бўйича текширади.

Кассация инстанцияси суди янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлашга ҳақли эмас»;

42) **242-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«242-модда. Ишни кассация инстанцияси судида кўриш муддатлари**

Биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикоят (протести) кассация инстанцияси суди томонидан ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда, кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўриб чиқаётган судлов ҳайъати томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин»;

43) **243-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

1) ҳал қилув қарори, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарори, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ушбу Кодекс 244-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

6) суд ҳужжатларининг баъзиларини бекор қилишга ва иш бўйича

илгари қабул қилинган суд ҳужжатлардан бирини ўз кучида қолдиришга»;

44) **244-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«244-модда. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қуйидагилардан иборат:

1) қўлланилиши лозим бўлган қонуннинг ёки бошқа қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги;

2) қўлланилиши мумкин бўлмаган қонуннинг ёки бошқа қонунчилик ҳужжати қўлланилганлиги;

3) қонуннинг ёки бошқа қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд томонидан ишнинг қонунга ҳилоф таркибда кўрилганлиги;

2) ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда ҳабардор қилинмаган бирор-бир ишда иштирок этувчи шахс йўқлигида кўрилганлиги;

3) суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги;

4) суд томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги;

5) ҳал қилув қарорининг, қарорнинг судья ёки, агар иш судьялар ҳайъати таркибида кўрилган бўлса, судьяларнинг бири томонидан имзолан-

маганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида, қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги;

6) ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги, унинг имзоланмаганлиги ёки ушбу Кодекс 176-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа шахслар томонидан имзоланганлиги ёхуд, агар суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилган бўлса, аудио- ва видеоёзунинг электрон ёки бошқа манбалари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги;

7) суд томонидан арз қилинган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаганлиги;

8) ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида судьялар маслаҳатининг сир сақланиши тўғрисидаги қонданинг бузилганлиги.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини, агар тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан тасдиқланган бўлса, бекор қилади»;

45) **247-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«247-модда. Биринчи инстанция судининг ажрими, апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикоятни (протести)**

Биринчи инстанция судининг ажрими, апелляция инстанциясининг қарори устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими, апелляция инстанциясининг қарори устидан берилган кассация шикоятни (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанциясининг қарори устидан берилган шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

1) ажримни, қарорни ўзгаришсиз қолдиришга, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

3) ажримни, қарорни бекор қилишга ва аризани, ишни кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

4) апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, апелляция шикоятни (протести) бўйича иш юритишни тугатиш, апелляция инстанцияси судида иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва апелляция шикоятини (протестини) ишни апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборишга.

5) суд ҳужжатларининг баъзиларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Биринчи инстанция судининг қарори ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган кассация шикоят (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади»;

46) **248-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«248-модда. Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан шикоят (протест) қилиш**

Кассация инстанцияси суди судьясининг кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрими кассация шикоятини берган (протестини келтирган) шахснинг аризаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикоят (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ёки унинг ўринбосарининг кассация протестига асосан ушбу бобда назарда тутилган тартибда қайта кўрилиши мумкин.

Кассация инстанцияси суди судьясининг кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш, кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикоят (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжати устидан кассация тартибда шикоят қилиш муддати давомида, ушбу муддат тугаган ҳолда эса ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтказилган ҳолда берилган аризалар кўриб чиқилмайди»;

47) қуйидаги мазмундаги **248<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«248<sup>1</sup>-модда. Ишни кассация тартибда такроран кўриб чиқиш**

Ушбу Кодекснинг 224-моддасида кўрсатилган шахслар ишни кассация тартибда такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилишга ҳақли.

Ишни кассация тартибда такроран кўриш тўғрисида протест киритиш ҳақидаги ариза кассация шикоят (протести) бериш муддатида, ушбу муддат тугаган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган муддатлар ўтгандан кейин берилган аризалар кўриб чиқилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари ушбу Кодекснинг 244-моддаси биринчи қисми 4-бандида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтиришга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш умумий асосларда амалга оширилади.

48) **28-боб** чиқариб ташлансин;

49) **268-модданинг иккинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 январь,  
ЎРҚ-662-сон



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**3 Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 11 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда) қуйидаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модда:**

**учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Апелляция ва кассация шикоятларини (протестларини) кўриш натижалари бўйича апелляция ва кассация инстанциялари судлари қарор қабул қилади»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **16-модда:**

**иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда ҳайъатда амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишни кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда ҳайъатда амалга оширилади»;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **19-модда:**

**биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «ёхуд назорат тартибида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

**тўртинчи қисмидаги** «назорат тартибида» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 305<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ мазкур ишни кассация инстанцияси сулда такроран» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи ва олтинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

5) **25-модда:**

**биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **5<sup>1</sup>** ва **5<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>) ушбу Кодекснинг 30<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган инвестициявий низолар бўйича ишлар;

5<sup>2</sup>) ушбу Кодекснинг 30<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган рақобатга оид ишлар»;

**еттинчи қисмидаги** «5-бандида» деган сўзлар «5 ва 5<sup>1</sup>-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **1-параграф** қўйидаги мазмундаги **30<sup>1</sup>** ва **30<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«30<sup>1</sup>-модда. Инвестициявий низолар бўйича ишлар**

Инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига қўйидагилар кирази:

1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар;

2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар;

4) инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиқ, божхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар;

5) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар.

**30<sup>2</sup>-модда. Рақобатга оид ишлар**

Юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига кирази»;

7) **32-модданинг матни** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судга тааллуқли ишлар туманлараро, туман (шаҳар) иктисодий судлари томонидан кўрилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судловига тегишли ишлар мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари:

тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси норезиденти — чет эл шахси бўлган ишларни;

чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни кўради.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган суддан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўз иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли.

Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бево-сита Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади»;

8) **34-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тақдим этилиши мумкин.

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар, шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин»;

9) **49-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига даъво аризасини (аризани) — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига эса — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикасининг барча иқтисодий судларига даъво аризаси (ариза) тақдим этишга ҳақли.

Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикрини баён этади, бундан унинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъво аризаси (аризаси) бўйича қўзғатилган ишлар мустасно.

Фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (ариза) тақдим этган прокурор даъвогарнинг ҳуқуқларидан

фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳуқуқи мустасно.

Прокурорнинг ўз даъво аризасидан (аризасидан) воз кечиши даъвогарни (аризачини) ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Прокурор томонидан даъвогарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келади»;

10) **115-модданинг учинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **118-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «апелляция, кассация, назорат» деган сўзлар «апелляция, кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **133-модда:**

**еттинчи қисмидаги** «Апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар «Апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги суд ҳужжати устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин»;

13) **151-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Инвестициявий низолар бўйича даъво аризасига инвестиция шартномасининг кўчирма нусхаси, йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризасига эса унинг йирик инвесторлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилинади»;

14) **166-модданинг тўртинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **249-моддадаги** «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судига» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **259-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақлидир.

Прокурор, юқори турувчи прокурор фақат прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ва-

кил биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни беришга ҳақли, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

Суднинг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

17) **260-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«260-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқувчи суд**

Апелляция шикоятлари (протестлари):

тегишли туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилганда — Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади»;

18) **262-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар, шунингдек суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслар учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган апелляция шикоятини бериш муддати уларга ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади»;

19) **265-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция протестига ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция протестининг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича тарафнинг мурожаати кўчирма нусхаси илова қилинади»;

20) **269-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **1<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«<sup>1</sup>) апелляция шикоятининг (протестининг) шакли ва мазмуни ушбу Кодекснинг 263-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса ёки апелляция шикоятига ушбу Кодекс 265-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар ёхуд прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича келтирилган протестга тарафнинг мурожаати кўчирма нусхаси илова қилинмаган бўлса»;

21) **272-модданинг учинчи қисмидаги** «назорат тартибида» деган сўзлар «кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **273-модда:**

**биринчи қисмининг 4-бандидаги** «ва воз кечиш апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «назорат тартибида» деган сўзлар «кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **274-модда:**

**тўртинчи қисмидаги** «бундан жамият ёки давлат манфаатларини кўзлаб кўзғатилган ишлар бўйича прокурорнинг келмаганлиги мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи — ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Апелляция инстанцияси судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатларини, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикоят (протести) важларини ва унинг юзасидан берилган ёзма фикрни баён қилади.

Суд маърузадан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитади, улар апелляция шикоятида (протестида) кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳам ҳақли.

Дастлаб апелляция шикояти берган шахс ёки унинг вакили ёхуд, агар иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар иккала тараф томонидан шикоят берилган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ушбу Кодекснинг 50-моддасида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа шахслар, агар улар суднинг қарори устидан шикоят бермаган бўлса, тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари эшитилганидан сўнг апелляция инстанцияси суди қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Суд муҳокамаси тугаганидан кейин қабул қилинган қарорнинг хулоса қисми эълон қилинади ва у ишга қўшиб қўйилади.

Қарор беш кун ичида тўлиқ ҳажмда тузилади ва имзоланади.

Раислик қилувчи қарорнинг хулоса қисми эълон қилинганидан кейин ишда иштирок этувчи шахсларга қарорнинг тўлиқ ҳажмда тузилиши ва уларга юборилиши муддатини, шунингдек қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтиради»;

24) **275-модда:**

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

25) **277-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алоҳида ҳолларда апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов ҳайъати томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин»;

26) **279-модда тўртинчи қисмининг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли»;

27) **281-модда учинчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли»;

28) **282-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикоятни беришга ҳақли.

Прокурор, юқори турувчи прокурор биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан, агар иш бўйича прокурор иштирок этган бўлса, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда, кассация протести келтиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикоятни беришга ҳақлидир, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан тўлиқ ёки қисман кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

29) **283-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«283-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўрадиган суд**

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикоятни (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади»;

30) **284-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига берилади»;

31) **285-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин»;

32) **286-модда биринчи қисмининг 3 ва 4-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорини, қарорни қабул қилган суднинг номи;

4) ишнинг рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети»;

33) **288-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация протестига ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация протести ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича тарафнинг мурожаати кўчирма нусхаси илова қилинади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш ва апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига (протестига) қайтарилган шикоят (протест) ва уни судга тақдим этишда унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак»;

34) қуйидаги мазмундаги **288<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«288<sup>1</sup>-модда. Ишни талаб қилиб олиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикояти (протести) бўйича тегишли иқтисодий суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорлари ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда, кассация протести киритиш масаласини ҳал этиш учун тегишли иқтисодий суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли»;

35) **289-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



**«289-модда. Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикоятини (протестини) беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганади.

Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижалари бўйича судья қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва ишни талаб қилиб олиш тўғрисида;

2) кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ҳақида;

3) кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида.

Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижаларига доир ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай, ушбу Кодекснинг 197-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади»;

36) **290-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ажрим чиқарилган сана ва жой;

2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;

3) шикоятни (протестни) берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) устидан шикоят қилинаётган (протест келтириляётган) суд ҳужжатлари;

5) тегишли суддан ишни талаб қилиб олиш тўғрисидаги хулоса»;

37) **291-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни қўйидаги ҳолларда рад этади, агар:

1) кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

2) кассация шикояти (протести) қонуний кучга кирмаган ёки қонунчиликка мувофиқ кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган ёхуд апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

3) кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

4) кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш рад этилган бўлса;

5) кассация шикоятидан (протестидан) уни берган шахс воз кечганлиги (уни чақириб олганлиги) сабабли кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим мавжуд бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад

этиш тўғрисидаги ажримда кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилади, кассация шикоятини беришда тўланган давлат божини қайтариш ҳақидаги масала ҳал этилади.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган тақдирда, кассация шикояти (протести) судга дастлаб мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади»;

**38) 292-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**биринчи хатбошисидаги** «кассация инстанцияси суди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) кассация шикоятининг (протестининг) шаклига ва мазмунига нисбатан ушбу Кодекснинг 286-моддасида белгиланган талабларга риоя этилмаган ёки кассация шикоятига (протестига) ушбу Кодекс 288-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ёхуд прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича протестга тарафларнинг мурожаати кўчирма нусхаси илова қилинмаган бўлса»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**39) 294-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«294-модда. Суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси суди (судья) биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, апелляция инстанцияси суди қарорининг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Судья суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади»;

**40) қуйидаги мазмундаги 294<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«294<sup>1</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш**

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги масала иш судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи

шахсларга ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай, ушбу Кодекснинг 197-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади»;

41) **295-модда:**

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

42) **296-модда:**

**биринчи қисмининг:**

**1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) кассация шикоят (протести) апелляция тартибида кўрилмаган ёки ушбу Кодексга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган) суд ҳужжати устидан берилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса»;

**4-бандидаги** «ва воз кечиш кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилинган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

43) **297-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация инстанцияси суди ишни суд мажлисида кўради.

Кассация шикоят (протести) бўйича биринчи суд мажлиси кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Кассация инстанцияси судида: ишларни битта иш юритишга бирлаштириш тўғрисидаги; даъвонинг предметини ёки асосини, даъво талабларининг миқдорини ўзгартириш ҳақидаги; қарши даъво такдим этиш тўғрисидаги; ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш ҳақидаги қоидалар, шунингдек ушбу Кодексда фақат биринчи инстанция судида ишни кўриш учун белгиланган бошқа қоидалар қўлланилмайди.

Кассация инстанцияси судининг суд мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган, кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

Кассация инстанцияси судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатларини, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг, апелляция инстанцияси суди қарорининг мазмунини, кассация шикоят (протести) важларини ва унга доир келиб тушган ёзма фикрни баён қилади. Шундан сўнг суд суд мажлисида ҳозир бўлган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитади, улар кассация шикоятида (протестида) кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча далиллар такдим этишга ҳам ҳақли.

Дастлаб кассация шикоят берган шахс ёки унинг вакили ёхуд, агар иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув

қарори устидан ҳар иккала тараф томонидан шикоят берилган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ушбу Кодекснинг 50-моддасида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа шахслар, агар улар ҳал қилув қарори устидан шикоят бермаган бўлса, тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари эшитилганидан сўнг кассация инстанцияси суди қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Суд муҳокамаси тугганидан кейин қабул қилинган қарорнинг хулоса қисми эълон қилинади ва у ишга қўшиб қўйилади.

Қарор беш кун ичида тўлиқ ҳажмда тузилади ва имзоланади.

Раислик қилувчи қарорнинг хулоса қисми эълон қилинганидан кейин ишда иштирок этувчи шахсларга қарорнинг тўлиқ ҳажмда тузилиши ва уларга юборилиши муддатини тушунтиради»;

**44) 298-модданинг:**

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Протест келтирган шахс ёки юқори турувчи мансабдор шахс ишни кўриш якуни бўйича суд хужжат чиқарилгунига қадар протестни чақириб олишга ҳақли»;

**45) 299-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ишни кассация тартибда кўриш чоғида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текширади.

Кассация инстанцияси суди янги далилларни текширишга ва янги фактларни аниқлашга ҳақли эмас»;

**46) 300-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти (протести) у суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов ҳайъати томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин»;

**47) 301-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича:

1) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

3) ушбу Кодекс 302-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида ва тўртин-

чи қисмининг 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган суд инстанциясига юборишга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга;

5) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юриштишни тугатишга ёхуд даъвони тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

6) айрим суд ҳужжатларини бекор қилиш ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли»;

48) **302-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«302-модда. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қуйидагилардан иборат:

1) қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжатининг қўлланилмаганлиги;

2) қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги;

3) қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд томонидан ишнинг қонунга ҳилоф таркибда кўрилганлиги;

2) ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир ишда иштирок этувчи шахс йўқлигида кўрилганлиги;

3) суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги;

4) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги;

5) ҳал қилув қарорининг, қарорнинг судья ёки, агар иш судьялар ҳайъати таркибида кўрилган бўлса, судьяларнинг бири томонидан имзо-

ланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида, қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги;

6) ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги, унинг имзоланмаганлиги ёки ушбу Кодекс 202-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа шахслар томонидан имзоланганлиги ёхуд, агар суд мажлисининг аудио-ёки видеоёзуви амалга оширилган бўлса, аудио- ва видеоёзунинг электрон ёки бошқа манбалари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги;

7) билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги;

8) судьялар маслаҳатининг сир сақланиши тўғрисидаги қонданинг бузилганлиги.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини, агар тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан тасдиқланган бўлса, бекор қилади»;

**49) 303-модданинг:**

**иккинчи қисми:**

**6, 7-бандлари** «ҳал қилув қарори» деган сўзлардан кейин «қарор» деган сўз билан тўлдирилсин;

**8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) кассация шикоятда (протестида) келтирилган ҳал қилув қарорининг, қарорнинг қонунийлигини ва асослантирилганлигини текшириш тўғрисида талаб билдирилишига доир асослар»;

**12-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарори тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, унинг хулосаларига кассация инстанцияси суди қўшилмаганлигининг сабаблари»;

**тўртинчи қисмидаги** «Суднинг ҳал қилув қарори» деган сўзлар «Ҳал қилув қарори, қарор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**50) 305-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«305-модда. Ажрим, қарор устидан берилган кассация шикояти (протести)**

Суднинг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Апелляция инстанцияси судида кўрилган ажрим, қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган кассация шикояти (протести) ушбу бобда кассация шикоятларини (протестларини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судида кўрилган ажрим, қарор, апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга ёхуд илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга;

3) даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни, уларни ўз кучида қолдириш тўғрисидаги апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

4) апелляция инстанцияси судининг апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш, апелляция инстанцияси судида иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни бекор қилишга ва апелляция шикоятини (протестини), ишни кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборишга»;

51) қуйидаги мазмундаги **305<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«305<sup>1</sup>-модда. Ишни кассация тартибида такроран кўриш**

Ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза кассация шикояти (протести) бериш муддати ичида, мазкур муддат ўтказиб юборилган ҳолларда эса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтгандан кейин берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Ушбу Кодекс 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритишга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш умумий асосларга кўра амалга оширилади»;

52) **306-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«306-модда. Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан шикоят қилиш**

Кассация инстанцияси суди судьясининг кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрими кассация шикояти (протести) берган шахснинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ушбу бобда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари протестига асосан кассация тартибида такроран кўрилиши мумкин.

Кассация инстанцияси суди судьясининг кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш, кассация инстанцияси судининг кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ҳақидаги ариза кассация шикояти (протести) бериш муддати ичида, мазкур муддат ўтказиб юборилган ҳолларда эса, ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза кўриб чиқилмайди»;

53) **36-боб** чиқариб ташлансин;

54) **326-модданинг иккинчи қисмидаги** «апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) **328-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «ёки прокурор» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайдан эътиборан уч йил ўтгач берилган аризалар кўриб чиқилмайди, бундан ушбу Кодекс 327-моддасининг 2 — 4-бандларида назарда тутилган асослар бўйича берилган аризалар мустасно».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 январь,  
ЎРҚ-663-сон



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**4** **Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 11 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 13-модданинг:**

**бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли суд хайъатларида апелляция ва кассация тартибида ишларни

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади»;

**олтинчи қисми** чиқариб ташлансин;

2) **28-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ҳукм ёки ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради»;

3) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «апелляция, кассация, назорат тартибида» деган сўзлар «апелляция, кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **46-модданинг биринчи қисмидаги** «кассация ва назорат инстанциялари» деган сўзлар «кассация инстанцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **51-модда биринчи қисмининг 9-бандидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **53-модданинг биринчи қисмидаги** «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **55-модданинг биринчи қисмидаги** «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **57-модданинг биринчи қисмидаги** «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **76-модданинг учинчи — саккизинчи қисмлари** куйидаги мазмундаги **учинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ишни кўришда иштирок этган судья ўз иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишени кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишени биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида кўришда ёхуд ишени кассация тартибида такроран кўришда иштирок эта олмайди.

Суриштирувчининг, терговчининг, шунингдек суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятларини бажариши уларнинг шу иш бўйича тегишинча суриштирувни, дастлабки терговни юритишда такроран иштирок этиши, шунингдек суд мажлиси баённомасини юритиши учун монелик қилмайди»;

11) **148<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **166<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **239-модда учинчи қисмининг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларининг, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг, туманлараро маъмурий судларининг ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилиги билан»;

14) **242<sup>1</sup>-модданинг тўртинчи қисмидаги** «қарорда» деган сўз «суднинг ажримда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **243-модданинг бешинчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **247-модданинг учинчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **254<sup>3</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **257-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **267-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **273-модданинг матнидаги** «апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида» деган сўзлар «апелляция ёхуд кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **306-модда:**

**биринчи қисмининг биринчи жумласидаги** «ажримда (қарорда)» деган сўзлар «ажримда» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «кассация ёки назорат тартибида» деган сўзлар «апелляция ёки кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **389-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раислари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **405-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **405<sup>1</sup>-модданинг учинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **409-модданинг:**

**тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлади»;

**еттинчи қисмидаги** «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

26) **414-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан ва эълон қилинган айблов бўйича олиб борилади.

Тайинланган жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги туфайли апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими

кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинганидан кейин иш кўриб чиқилган ҳолларда, апелляция инстанцияси судида муҳокама судланувчининг умуман айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги масалага дахл қилмаган ҳолда, фақат жиноятни тавсифлашга ва жазо чорасига оид қисм бўйича амалга оширилади»;

27) **416-модданинг иккинчи қисмидаги** «унинг вакилининг» деган сўзлар «унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **417-модданинг иккинчи қисмидаги** «унинг вакили» деган сўзлар «унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **426-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Баённома қўлда ёки компьютерда ёзилиши мумкин. Баённоманинг тўлиқ бўлишини таъминлаш учун аудиоёзув воситаларидан, стенограмма юритишдан фойдаланиш мумкин»;

**иккинчи — ўнинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши керак.

Тарафлар баённоманинг ва суд мажлиси аудиоёзувининг кўчирма нусхаларини ўз ҳисобидан олишга ҳақли»;

30) **427-модда:**

**биринчи қисмининг биринчи жумласидаги** «баённома» деган сўз «баённома ва суд мажлисининг аудиоёзуви» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «суд мажлиси баённомаси» деган сўзлар «суд мажлисининг баённомаси ёки аудиоёзуви» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) **470-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Судланувчи содир этилган жиноятга дахлдор эмаслиги сабабли оқланган тақдирда, оқлов ҳукмининг қарор қисмида жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун иш прокурга юборилиши кўрсатилади»;

32) **471-модданинг 4-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) ҳукм устидан апелляция шикоятини бериш, протест билдиришнинг ушбу Кодекснинг тегишинча 497<sup>3</sup> ва 497<sup>4</sup>-моддаларида назарда тутилган тартиби, муддатлари»;

33) **473-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш» деган сўзлар «ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) **ўн биринчи бўлимнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўн биринчи бўлим. Суд ҳукмлари, ажримларини қайта кўриб чиқиш»;**

35) **55-боб** чиқариб ташлансин;

36) **55<sup>1</sup>-боб** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«55<sup>1</sup>-боб. Биринчи инстанция судининг ҳукми, ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш (протест билдириш)**

**497<sup>1</sup>-модда. Апелляция тартибида шикоят бериладиган ва протест билдирилладиган қарорлар**

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

**497<sup>2</sup>-модда. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмининг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Суд томонидан оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмининг оқлаш сабаблари ҳамда асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан апелляция тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

**497<sup>3</sup>-модда. Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби**

Қонуний кучга кирмаган ҳукмлар устидан апелляция тартибида қуйидагича шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукми устидан — Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар, Тошкент шаҳар судига;

2) ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукми устидан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига;

3) Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукми устидан — Ўзбекистон Республикаси Олий судига;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми устидан — мазкур суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанцияси судига берилган тақдирда, суд уларни ҳукм чиқарган судга ушбу Кодекснинг 497<sup>6</sup>-моддасида баён этилган талабларни бажариш учун юборади.

#### **497<sup>4</sup>-модда. Ҳукм устидан апелляция шикоятлари ва протестлари бериш муддати**

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят ва протест бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмас. Тарафлар шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақли.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

#### **497<sup>5</sup>-модда. Апелляция шикояти ёки протести бериш муддатини тиклаш тартиби**

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Зарур ҳолларда, бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция инстанцияси судига хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин бўлиб, у мазкур ажримни бекор қилишга, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ва апелляция шикояти (протести) бўйича ишни кўришга ёхуд ишни ҳукм чиқарган судга ушбу Кодекс 497<sup>6</sup>-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборишга ҳақли.

#### **497<sup>6</sup>-модда. Апелляция шикояти, протести берилганлиги тўғрисида хабар бериш**

Ҳукм чиқарган суд апелляция шикояти, протести берилганлиги тўғрисида маҳкумни, оқланган шахсни, уларнинг химоячиларини, қонуний вакилини, жабрланувчини, унинг вакилини, шунингдек фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакилларини агар шикоят, протест уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, хабардор қилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга шикоятнинг, протестнинг кўчирма нусхалари ёхуд ҳукм чиқарган суднинг интернет-ресурси орқали уларнинг электрон нусхалари билан танишиш мумкинлиги

тўғрисида хабарнома юборилади. Бунда тарафларга шикоят, протест юзасидан ўз эътирозларини ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида бериш ҳуқуқи уларни тақдим этиш муддати кўрсатилган ҳолда тушунтирилади. Шикоят, протест устидан келиб тушган эътирозлар ишга қўшиб қўйилади.

Тарафлар апелляция шикоятига, протестига доир эътироз билан бирга алоҳида ҳолда янги материалларни тақдим этишга ёхуд уларни талаб қилиб олиш ва текшириш, шунингдек ўзлари кўрсатган жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни судга чақириш ва сўроқ қилиш ҳақида илтимоснома беришга ҳақли.

#### **497<sup>7</sup>-модда. Ҳукм устидан апелляция шикояти ёки протести бериш оқибатлари**

Апелляция шикояти ёки протести берилиши ҳукмнинг қонуний кучга киришини ва унинг ижро этирилишини тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекснинг 497<sup>6</sup>-моддасида назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

#### **497<sup>8</sup>-модда. Апелляция шикояти ва протестининг мазмуни**

Апелляция шикояти ва протестида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) ҳукмни чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) шикоят, протест берган шахснинг вазияти, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;
- 5) шикоят, протест берган шахс ўз талабларини асослаётган, шу жумладан биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далиллар;
- 6) янгидан тақдим этилаётган далиллар ва уларнинг биринчи инстанция судига тақдим этилмаганлиги сабаблари;
- 7) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;
- 8) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест бераётган шахснинг имзоси.

Агар апелляция шикоятининг, протестининг мазмуни мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса ва бу келгусида ишни мазмунан кўриб чиқишга тўсқинлик қилса, судья апелляция шикоятини, протестини уни берган шахсга қайтариш тўғрисида апелляция шикоя-



тини ёки протестини қайта тузиш учун муддатни белгилаган ҳолда уч кунлик муддатда ажрим чиқаради.

Судьянинг апелляция шикоятини, протестини қайтариш тўғрисидаги ажрими талаблари бажарилмаган ва апелляция шикояти, протести белги-ланган вақтда келиб тушмаган ҳолларда, у берилмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда ҳукм қонуний кучга кирган деб ҳисобланади.

#### **497<sup>9</sup>-модда. Апелляция шикоятига, протестига ўзгартиш ва қўшимча киритиш**

Апелляция шикояти (протести) берган шахс апелляция инстанцияси судининг мажлиси бошлангунига қадар уни ўзгартиришга ёки янги важлар билан тўлдиришга ҳақли.

Ҳукм устидан шикоят (протест) бериш муддати ўтганидан кейин берилган апелляция протестига, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг апелляция шикоятига ўзгартириш ёки қўшимча киритишда маҳкумнинг аҳволини оғирлаштириш тўғрисида масала, агар бундай талаб дастлабки шикоятда, протестда мавжуд бўлмаса, қўйилиши мумкин эмас.

Ҳукм устидан шикоят қилиш муддати ўтганидан кейин ишга киришган ҳимоячи апелляция шикоятини ўзгартириши ёки уни янги важлар билан тўлдириши, илгари ишда иштирок этган ҳимоячи томонидан берилган шикоят важларига қўшимча асослар тақдим этиши мумкин.

#### **497<sup>10</sup>-модда. Апелляция шикоятини ёки протестини қайтариб олиш**

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикоятини ёки протестини қайтариб олишга ҳақли. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумнинг ҳимоячиси, қонуний вакили ўз шикоятини фақат маҳкумнинг розилиги билан қайтариб олишга ҳақли.

Маҳкум ҳимоячи томонидан берилган шикоятни қайтариб олишга ҳақли.

Апелляция шикоятини ёки протестини қайтариб олишга апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар йўл қўйилади.

#### **497<sup>11</sup>-модда. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят ва протест бериш**

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Ҳукм чиқариш билан яқунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, ҳукм устидан шикоят ва протест бериш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чора-

сини танлашга, уни ўзгартиришга ёки бекор қилишга, шунингдек суд мажлиси залида тартиб сақлашга тааллуқли ажримлар устидан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шикоят бериш ва протест билдириш мумкин эмас. Уларга қарши эътирозлар апелляция шикоятига ёки апелляция протестига киритилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, агар ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

#### **497<sup>12</sup>-модда. Ишни апелляция инстанцияси судига юбориш тўғрисида хабар бериш**

Биринчи инстанция суди жиноят иши апелляция инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган шахсларни хабардор қилади»;

37) қўйидаги мазмундаги **55<sup>2</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

#### **«55<sup>2</sup>-боб. Апелляция инстанцияси судида иш юритиш**

#### **497<sup>13</sup>-модда. Апелляция инстанцияси суди муҳокамасининг предмети**

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича ҳақиқий ҳолатлар аниқланишининг тўлиқлигини ва жиноят қонуни нормалари тўғри қўлланилганлигини, иш юритишни амалга ошириш чоғида жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя этилган-этилмаганлигини, биринчи инстанция суди ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ва апелляция инстанцияси суди томонидан қўшимча равишда текширилган далиллар бўйича текширади.

#### **497<sup>14</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судида ишни кўриш муддатлари**

Апелляция инстанцияси суди жиноят ишини иш шикоят ёки протест билан бирга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш суткадан кечиктирмай кўришга киришиши керак.

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари эса кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида жиноят процессининг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилиниши керак.

Апелляция инстанцияси суди томонидан жиноят ишини кўриш давомийлиги уни кўриш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

#### **497<sup>15</sup>-модда. Апелляция инстанцияси суди мажлисини тайинлаш ва тайёрлаш**

Судья апелляция шикояти, протести билан келиб тушган жиноят иши-

ни ўрганиб, суд мажлисини тайинлаш тўғрисида етти сутка ичида ажрим чиқаради ва унда қўйидаги масалалар ҳал этилади:

1) жиноят ишини кўриб чиқиш жойи, санаси ва бошланиш вақти тўғрисидаги;

2) тарафларни, шунингдек гувоҳларни, экспертларни ва бошқа шахсларни суд мажлисига чақириш, шикоятда, протестда кўрсатилган қўшимча далилларни, агар мазкур илтимосномани асосли деб топса, талаб қилиб олиш тўғрисидаги;

3) ушбу Кодекснинг 19-моддасида назарда тутилган ҳолларда жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги;

4) қамокда ёки уй қамоғида сақланаётган маҳкумнинг суд мажлисида иштирок этиши тўғрисидаги.

Ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч сутка ичида процесс иштирокчиларига суд мажлиси тайинланганлиги ҳақида хабарнома юборилади.

Агар жиноят ишини ўрганиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан ушбу Кодекс 497<sup>6</sup>-моддаси иккинчи қисмининг талаблари бажарилмаганлиги аниқланса, судья апелляция инстанцияси судида ишни кўриб чиқишга монелик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш учун жиноят ишини шу судга қайтаради.

#### **497<sup>16</sup>-модда. Тарафларнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши**

Апелляция инстанцияси суди мажлисида қўйидагилар иштирок этиши шарт:

1) тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

2) маҳкум, оқланган шахс ёки ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс — мазкур шахс суд мажлисида иштирок этиш тўғрисида илтимоснома берган ёки суд мазкур шахснинг суд мажлисида иштирок этишини зарур деб топган ҳолларда;

3) ҳимоячи — ушбу Кодекснинг 51 ва 52-моддаларида кўрсатилган ҳолларда.

Қамокда ёки уй қамоғида сақланаётган ва апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқишда ҳозир бўлиш истагини билдирган маҳкумга суд мажлисида бевосита ёки видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш орқали иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

#### **497<sup>17</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби**

Апелляция инстанцияси судида жиноят иши биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича, ушбу бобда назарда тутилган қоидалар инobatга олинган ҳолда кўрилади.

Раислик қилувчи суд мажлисини очади ҳамда қандай жиноят иши ва кимнинг апелляция шикояти, протести бўйича кўрилишини эълон қилади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, прокурорнинг, химоячининг, суд мажлиси котибининг ва, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг фамилияси, исмини ва отасининг исмини маълум қилади.

Апелляция инстанцияси суди мажлисининг жойи, санаси ва вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги жиноят ишини кўришга монелик қилмайди, бундан суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган шахслар мустасно.

Раислик қилувчи ҳозир бўлган жиноят процесси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқларини тушунтиради ва уларда рад қилишга оид арзлар ва илтимосномалар бор-йўқлигини, апелляция шикоятда, протестида баён этилган илтимосларни қувватлашини ёки қувватламаслигини аниқлайди. Бундай илтимослар мавжуд бўлганда суд улар бўйича ажрим чиқаради.

Суд муҳокамаси судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У биринчи инстанция суди ҳукмининг ёки ажримининг мазмунини, апелляция шикоятининг, протестининг мазмунини ва унга қарши эътирозларнинг моҳиятини қисқача баён этади.

Раислик қилувчи апелляция шикояти берган шахсга, апелляция шикояти ва протести кимга нисбатан берилган бўлса ўша шахсга, уларнинг химоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Иш бўйича бир нечта шикоят мавжуд бўлган тақдирда, сўзга чиқиш навбати суд томонидан тарафларнинг фикри инobatга олинган ҳолда белгиланади. Агар берилган апелляция шикоятлари орасида прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, бевосита суд мажлисида текшириладиган далиллар ҳажмини аниқлаш тўғрисида; суд мажлисига судланувчини, жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертлар ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш ҳақида; судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин суд суд мажлисига чақирилган судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан далилларни текширишга, шунингдек тарафларнинг илтимоси бўйича ҳамда ўзининг ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга оид бошқа материалларни ўқиб эшиттиришга киришади. Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрлари инobatга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Тарафлар апелляция инстанцияси судига апелляция шикоятда, протестида келтирилган важларни тасдиқлаб ёки инкор этиб, қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд бунга зарур деб топса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

Тарафларнинг далилларни, шу жумладан биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириш тўғрисидаги ва суд мажлисига гувоҳлар, экспертларни ҳамда бошқа шахсларни чақириш тўғрисида-

ги илтимосномалари ушбу Кодекс 438-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартибда суд томонидан ҳал этилади. Бунда суд илтимосномани қаноатлантиришни фақат у биринчи инстанция суди томонидан қаноатлантирилмаганлигига асосланиб рад этишга ҳақли эмас.

Биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далиллар (янги далиллар) суд томонидан қабул қилинади, бунда уларни текшириш тўғрисида илтимоснома берган шахс ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бу далилларни биринчи инстанция судига тақдим этишга имконияти бўлмаганлигини асослаб бериши керак.

Апелляция инстанцияси суди далилларни видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланган ҳолда текширишга ҳақли.

Суд тергови тугаллангач, суд тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш юзасидан илтимослари бор-йўқлигини суриштиради. Суд бу илтимосларни ҳал этади ва шундан кейин тарафларнинг музокараларига ўтади.

#### **497<sup>18</sup>-модда. Тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзи**

Суд музокаралари ушбу Кодекснинг 449-моддаси қоидалари асосида ўтказилади, бунда шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Тарафларнинг музокаралари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, охириги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

#### **497<sup>19</sup>-модда. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари**

Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;
- 2) суднинг ҳукмида баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий равишда бузилганлиги;
- 4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;
- 5) жазонинг адолатсизлиги.

#### **497<sup>20</sup>-модда. Суд терговининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламаллиги**

Суд тергови қуйидаги ҳолларда тўлиқ эмас ва бир ёқлама деб топилади, башарти иш бўйича:

- 1) ушбу Кодекснинг 82 — 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар етарлича тўлиқ аниқланмаган бўлса;
- 2) кўрсатувлари ишни ҳал қилиш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган шахслар сўроқ қилинмаган бўлса;
- 3) ўтказилиши шарт бўлган экспертиза ўтказилмаган бўлса;
- 4) иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган бўлса;

5) натижалари иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса;

6) ишни янгитдан апелляция тартибида кўриш учун юборган кассация инстанцияси судининг ажримида кўрсатилган ҳолатлар текширилмаган бўлса.

#### **497<sup>21</sup>-модда. Ҳукмда баён қилинган суд хулосаларининг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги**

Қуйидаги ҳолларда суд ҳукми жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас деб эътироф этилади, агар:

1) суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;

2) суд ўз хулосасига жиддий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;

3) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга нисбатан бир-бирига зид далиллар мавжуд бўлгани ҳолда, суд қайси сабабларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқаларини рад этганлиги ҳукмда кўрсатилмаган бўлса;

4) суднинг ҳукмида баён этилган хулосаларда жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган бўлса ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса.

#### **497<sup>22</sup>-модда. Жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишлари**

Процесс иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишнинг ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши керак, агар:

1) ҳукми қонунга хилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;

2) судьянинг ҳукми яқка ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;

3) иш судланувчи йўқлигида кўрилган бўлса, бундан ушбу Кодекс 410-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно;

4) суриштирув ёки дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса;

6) судланувчига охириги сўз берилмаган бўлса;

7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;

8) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;

9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;

10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса.

#### **497<sup>23</sup>-модда. Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши**

Қуйидагилар Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши деб эътироф этилади:

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддалари талабларининг бузилганлиги;

2) жиноятнинг Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан тавсифланганлиги;

3) маҳкумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланганлиги.

#### **497<sup>24</sup>-модда. Жазонинг адолатсизлиги**

Жазо жиноятнинг оғирлигига, маҳкумнинг шахсига номувофиқ бўлса ёки Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган доирадан четга чиқмасдан тайинланган бўлса-да, бироқ тури ёки миқдори бўйича ўта енгил ёки ўта оғир бўлса адолатсиз ҳисобланади.

#### **497<sup>25</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судида жиноят ишини кўриш чегараси**

Суд жиноят ишини апелляция тартибида кўришда апелляция шикоят, протести важлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан апелляция шикояти бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят, протест берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

Апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларни ҳам, апелляция инстанцияси судига тарафлар томонидан тақдим этилган ёки у томонидан талаб қилиб олинган ва текшириб чиқилган янги далилларни ҳам эътиборга олади.

Агар биринчи инстанция суди томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламалилигига ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш йўли билан бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш, процессуал бузилишларни бартараф этиш чораларини кўради. Шу мақсадда апелляция инстанция суди:

1) ишни ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни тарафларнинг илтимосига кўра талаб қилиб олишга;

2) зарур суд экспертизасини тайинлашга;

3) суд мажлисига қўшимча гувоҳларни, экспертларни, мутахассислар-

ни чақиришга ва сўроқ қилишга, тарафлар томонидан тақдим этилган ёки уларнинг илтимосига кўра суд томонидан талаб қилиб олинган ёзма, ашёвий далилларни ва бошқа далилларни текширишга;

4) биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларни мақбул эмас деб топишга ва уларни далиллар мажмуидан чиқариб ташлашга;

5) биринчи инстанция суди томонидан мақбул эмас деб топилганлиги учун далиллар мажмуидан чиқариб ташланган далилларни мақбул далиллар деб топишга ва уларни текширишга;

6) фуқаровий даъвога тааллуқли бўлган ҳолатларни текширишга ва фуқаровий даъво бўйича қарор қабул қилишга;

7) иш материаллари тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаришга ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди асослар мавжуд бўлганда маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ тартибли турини белгилашга, жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдорини кўпайтиришга ҳақли.

#### **497<sup>26</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятини, протестини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

2) айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукмини чиқариш тўғрисида;

3) айблов ҳукмини бекор қилиш ва янги айблов ҳукмини чиқариш тўғрисида;

4) оқлов ҳукмини бекор қилиш ва айблов ҳукмини чиқариш тўғрисида;

5) ҳукми бекор қилиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисида;

6) ушбу Кодекснинг 416 ёки 417-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, айблов ҳукмини бекор қилиш ҳақида ва ишни биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида;

7) ҳукми ўзгартириш тўғрисида;

8) шикоят, протест қайтариб олинган ҳолларда, апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 5 — 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2 — 4-бандларида назарда тутилган ҳолларда, апелляция инстанцияси суди апелляция ҳукмини чиқаради.

Апелляция инстанцияси судининг қарорини эълон қилиш ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидаларига кўра амалга оширилади.

#### **497<sup>27</sup>-модда. Биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини жиноят ишини тугатган ҳолда бекор қилиш**

Апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриб, қуйидаги ҳолларда айблов ҳукмини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади, агар:



1) иш бўйича ушбу Кодекснинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган асослар аниқланса;

2) иш бўйича тўпланган далиллар судланувчини айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далилларни тўплаш имконияти қолмаган бўлса.

#### **497<sup>28</sup>-модда. Айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни биринчи инстанция судига юбориш**

Агар жиноят ишини апелляция тартибида кўриш чоғида ушбу Кодекснинг 416, 417-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш ёки бошқа шахсни иш бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқаради.

Ажримни ижро этиш айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорнинг зиммасига юклатилади.

Суднинг ажрими ушбу Кодекснинг 416, 417-моддаларида белгиланган муддатда бажарилмаган ёки прокурорнинг айбловга қўшимча киритиш ёхуд янги шахсни ишда айбланувчи сифатида иштирок этиш учун жалб этиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси келиб тушган тақдирда, апелляция инстанцияси суди суд муҳокамасини жиноят ишида мавжуд бўлган далиллар асосида давом эттиради.

Маҳкумга янги айблов қўйилган ёки янги шахс айбланувчи сифатида иштирок этиш учун ишга жалб этилган тақдирда апелляция инстанцияси суди айблов ҳукмини бекор қилади ва ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборади.

Биринчи инстанция суди томонидан иш муҳокамаси умумий асосларда амалга оширилади.

#### **497<sup>29</sup>-модда. Ҳукми маҳкумнинг, оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштириш томонга бекор қилиш**

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга нисбатан жазони кучайтирган ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг айблов ҳукми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирган ҳолда бекор қилиниши фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра янги ҳукм чиқариш орқали амалга оширилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг оқлов ҳукми апелляция инстанцияси суди томонидан фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг судланувчининг оқланиши қонунга хилофлиги ва асосsizлиги борасида берилган шикояти бўйича айблов ҳукми чиқарилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

**497<sup>30</sup>-модда. Ҳукми ўзгартириш**

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини ўзгартириш чоғида қуйидагиларга ҳақли:

1) жазони енгиллаштиришга ёки маҳкумга нисбатан енгилроқ жиноятга оид қонунни қўллашга;

2) маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга;

3) жазони ижро этиш муассасаси турини енгилроғига ёки оғирроғига ўзгартиришга;

4) жиноят натижасида етказилган ва қопланиши белгиланган моддий зарар миқдорини, шунингдек маънавий зиённинг компенсацияси миқдорини камайтиришга ёки кўпайтиришга;

5) ашёвий далиллар, процессуал чиқимлар тўғрисидаги масалаларни ва бошқа масалаларни ҳал этишга.

Оқлов ҳукмининг оқлов асосларига доир қисми оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг шикоятига кўра ўзгартирилиши мумкин.

**497<sup>31</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судининг ҳукми ва ажрими**

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми ушбу Кодекснинг 454 — 477-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Апелляция инстанцияси судининг ажримида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ажрим чиқарилган сана ва жой;

2) суднинг номи ва таркиби, ишни кўришда иштирок этган прокурор ва бошқа шахслар;

3) апелляция шикояти ёки протести берган шахс;

4) биринчи инстанция судининг шикоят ёки протест берилган ҳукмининг қарор қисми мазмуни;

5) шикоятнинг, протестнинг, ишда иштирок этаётган шахслар эътирозлари ва тушунтиришларининг моҳияти, шунингдек прокурорнинг фикри;

6) шикоят, протест бўйича апелляция инстанцияси судининг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилганда апелляция инстанцияси судининг ажримида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли деб, биринчи инстанция судининг ажрими қонуний ҳамда асосли деб топилганлигининг, шикоят ёки протест эса қаноатлантирилмасдан қолдирилганлигининг асослари кўрсатилиши керак.

Ҳукм, ажрим бекор қилинган ёки ўзгартирилган тақдирда, апелляция инстанцияси судининг ажримида қонуннинг қайси нормалари талаблари бузилганлиги ва бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асосизлиги нимадан иборат эканлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текширилган далиллар ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилган янги далилларга асосланиши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими суднинг бутун таркиби томонидан имзоланади. Овоз бериш чоғида озчилик тарафда қолган судья ажримни имзолаб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма тарзда баён этишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими суд мажлиси залида ўқиб эшиттирилади ва дарҳол қонуний кучга киради.

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими уни чиқарган судга ёки бошқа судга чиқарилган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай жиноят иши билан бирга ижро этиш учун юборилади.

Маҳкумни дарҳол қамоқдан ёки уй қамоғидан озод этиш учун асос бўладиган ҳукм, ажрим, агар маҳкум суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, суд залида ижро этилиши лозим. Бошқа ҳолларда ҳукмнинг, ажримнинг кўчирма нусхаси ҳукм, ажрим чиқарилганидан кейин апелляция инстанцияси томонидан жазони ижро этиш муассасасининг маъмуриятига ёки маҳкумнинг яшаш жойидаги уй қамоғини ижро этиш ўз зиммасига юклатилган ички ишлар органига йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборилади.

#### **497<sup>32</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судининг хусусий ажрими**

Апелляция инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида йўл қўйилган камчиликларга қаратиш зарур бўлган тақдирда хусусий ажрим чиқаради.

#### **497<sup>33</sup>-модда. Апелляция инстанцияси суди мажлисининг баённомаси**

Апелляция инстанцияси судида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ баённома юриади. Суд мажлисининг баённомаси юзасидан мулоҳазалар берилиши мумкин бўлиб, улар ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

#### **497<sup>34</sup>-модда. Суд ажрими устидан берилган хусусий шикоятни, протестни кўриб чиқиш**

Ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган шахслар биринчи инстанция суди ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда апелляция тартибида хусусий шикоят, протест беришга ҳақли.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилган бўлиб, бироқ хусусий шикоят ёки протест фақат биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган бўлса, суд ҳукм устидан апелляция шикояти, протести бериш учун белгиланган муддат ўтганидан сўнг ишни юқори судга юборади.

Суднинг ажрими устидан берилган хусусий шикоят, протест апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

Апелляция инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судининг ажримини устидан берилган хусусий шикоят, протест бўйича кўриш натижалари юзасидан қўйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартирмасиз, хусусий шикоятни, протестни эса қаноатлангандан қолдиришга;

2) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилишга ва ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юборишга;

3) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилишга ва ушбу Кодексда белгиланган асосларга мувофиқ ишни прокурорга юборишга;

4) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилишга ва амнистия актини қўллашга;

5) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга;

6) биринчи инстанция судининг хусусий ажримини бекор қилишга;

7) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартиришга.

Апелляция инстанцияси судининг биринчи инстанция суди ажримини устидан берилган хусусий шикоят (протест) бўйича чиқарган ажримни узил-кесилдир.

#### **497<sup>35</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судида ишни қўшимча кўриш**

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган, белгиланган муддатда юборилган апелляция шикояти ёки протести бирор сабабга кўра апелляция инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса ёки ўтказиб юборилган муддат ушбу Кодекснинг 497<sup>5</sup>-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан тикланса, шунингдек маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процесснинг бошқа иштирокчиси берган апелляция шикояти ёхуд апелляция протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Агар ишни қўшимча кўриш чоғида апелляция инстанцияси суди томонидан чиқарилган ҳукм, ажрим илгари чиқарилган ҳукмга, ажримга зид бўлса, апелляция инстанцияси суди кассация тартибида протест киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига юборади.

Ишни қўшимча кўриш тартиби кечикиб келиб тушган хусусий шикоятни ва протестни ҳал этиш учун ҳам қўлланилади.

#### **497<sup>36</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримини устидан шикоят бериш**

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримини устидан кассация тартибида шикоят, протест берилиши мумкин»;

38) **56-боб** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

**«56-боб. Суднинг ҳукми ва ажрими устидан кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш)**

**498-модда. Кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин бўлган суд ҳукмлари, ажримлари**

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари, ажримлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судининг қарорлари ушбу Кодекснинг 497<sup>19</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра такроран кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

**499-модда. Суднинг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида шикоят беришга (протест билдиришга) бўлган ҳуқуқ**

Биринчи ва апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида шикоят беришга бўлган ҳуқуқ маҳкумга, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига, жабрланувчи ҳамда унинг вакилига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида протест билдиришга ҳақли.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари биринчи инстанция ҳамда апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг оқлаш сабаблари ҳамда асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан кассация тартибида шикоят беришга ҳақли.

**500-модда. Кассация шикоятини, протестини бериш тартиби ва муддатлари**

Кассация шикояти, протести бевосита кассация инстанцияси судига — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Агар шикоятда, протестда қуйидаги масалалар қўйилган бўлса, ишни кассация тартибида қайта кўришга фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил ичида йўл қўйилади:

1) оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги тўғрисида;

2) жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар ҳақида;

3) оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисида.

#### **501-модда. Кассация шикоятининг, протестининг мазмуни**

Кассация шикоятида, протестида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят, протест йўлланаётган кассация инстанцияси судининг номи;

2) шикоят, протест берган шахс, унинг процессуал ҳолати, яшаш жойи ёки турган жойи тўғрисидаги маълумотлар;

3) устидан шикоят, протест берилган ҳукм, ажрим, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг номи;

4) шикоят, протест берган шахснинг фикрига кўра ҳукмнинг, ажримнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги, иш бўйича судга қадар иш юритишни амалга ошириш ёки суд муҳокамаси чоғида қарор қабул қилишга таъсир кўрсатган қонуннинг қайси нормалари бузилганлигига доир важлари, шунингдек унинг илтимосининг мазмуни;

5) шикоят, протест берган шахс ўз талабларини асослаган далиллар;

6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;

7) шикоят, протест берилган сана ва шикоят, протест берган шахснинг имзоси.

#### **502-модда. Кассация шикоятини, протестини қайтариш**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг ажрими билан кассация шикояти, протести қуйидаги ҳолларда қайтарилади, агар:

1) шикоят, протест ушбу Кодекснинг 501-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

2) шикоятга, протестга иш бўйича қабул қилинган суд қарорларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинмаган бўлса;

3) иш кассация тартибида кўриб чиқилмайдиган бўлса;

4) шикоятни, протестни қайтариб олиш тўғрисида ариза (хат) келиб тушган бўлса.

Шикоят, протест берган шахс ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин умумий тартибда янгитдан мурожаат қилишга ҳақли.

#### **503-модда. Жиноят ишини суддан талаб қилиб олиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикояти, протести бўйича жиноят ишини суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари жиноят ишини суд қарорлари устидан кассация тартибида протест киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун суддан талаб қилиб олишга ҳақли. Ушбу Кодекс 499-моддасининг биринчи, учинчи — бешинчи қисмларида кўрсатилган шахсларнинг аризалари,

шунингдек судьяларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари ишларни талаб қилиб олиш учун сабаб бўлиши мумкин.

#### **504-модда. Ҳукми, ажримни ижро этишни тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг ҳукми ва ажрими ижро этилишини кассация шикоятни, протести кассация тартибида ҳал қилингунига қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир. Қонуннинг очиқдан-очиқ бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукмнинг, ажримнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилгунигача қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидир»;

39) қуйидаги мазмундаги **56<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

#### **«56<sup>1</sup>-боб. Кассация инстанцияси судида иш юритиш**

#### **505-модда. Кассация инстанцияси судининг суд муҳокама-си предмети**

Кассация инстанцияси суди кассация шикоятни, протести бўйича ишдаги мавжуд материалларга кўра биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судлари томонидан Жиноят кодекси нормалари тўғри қўлланилганлигини ҳамда ушбу Кодекс нормаларига риоя этилганлигини текширади.

#### **506-модда. Кассация шикоятини, протестини кўриб чиқиш муддатлари**

Кассация шикоятни, протести кассация инстанцияси судида у келиб тушган кундан эътиборан икки ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Бу муддат ишнинг мураккаблиги ёки ҳажми катталиги туфайли, шунингдек бошқа узрли сабаблар мавжуд бўлганда, кассация инстанцияси судининг ажрими билан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

#### **507-модда. Кассация шикоятини, протестини ўрганиш**

Кассация инстанцияси судининг судьяси кассация шикоятни, протестини ўрганиб, кўпи билан ўн суткалик муддат ичида қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

шикоятни, протестни ушбу Кодекснинг 502-моддасига мувофиқ қайтаришга доир асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

жиноят ишини талаб қилиб олишга доир асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги.

Шикоятни, протестни ўрганиш натижаларига кўра, судья:

шикоятни, протестни қайтариш тўғрисида;

жиноят ишини талаб қилиб олиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Келиб тушган жиноят ишини ўрганиш натижаларига кўра, судья:

шикоятни, протестни иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида;

ушбу Кодекснинг 522-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган қарор қабул қилинганлиги тўғрисида кассация шикояти, протести берган шахсга уч кунлик муддат ичида хабар қилинади.

**508-модда. Кассация шикоятини, протестини кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги ажримнинг мазмуни**

Шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига иш билан бирга кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган вақт, жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) кассация шикояти, протести берган шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларининг номи, шунингдек улар томонидан қабул қилинган суд қарорларининг қисқача мазмуни;
- 5) кассация шикоятининг, протестининг қисқача мазмуни;
- 6) шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш асослари.

**509-модда. Шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш тўғрисидаги ажримнинг мазмуни**

Шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган вақт, жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) кассация шикояти, протести берган шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларининг номи, шунингдек улар томонидан қабул қилинган суд қарорларининг қисқача мазмуни;
- 5) кассация шикоятининг, протестининг қисқача мазмуни;
- 6) шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш асослари;
- 7) ажрим устидан шикоят бериш, протест билдириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосарлари кассация шикояти берган шахснинг шикоятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарларининг протестига кўра, ўз ажрими билан судьянинг шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш тўғрисидаги ажримини бе-



кор қилишга ва кассация шикоятини, протестини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига кўриб чиқиш учун киритишга ҳақли.

**509<sup>1</sup>-модда. Шикоят, протест кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритилганлиги тўғрисида хабардор қилиш**

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакили, жабрланувчи ёки унинг вакили, шунингдек фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, агар шикоят, протест уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, иш кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритилганлиги тўғрисида уч кунлик муддат ичида хабардор қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга шикоятнинг, протестнинг кўчирма нусхаси юборилади ёхуд уларнинг электрон нусхалари билан кассация инстанцияси судининг интернет-ресурси орқали танишиш мумкинлиги тўғрисидаги хабарнома юборилади. Бунда тарафларга шикоятга (протестга) доир ўз эътирозларини ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида, эътирозлар тақдим этилган муддатни кўрсатган ҳолда беришга бўлган ҳуқуқи тушунтирилади. Шикоят (протест) устидан келиб тушган эътирозлар ишга қўшиб қўйилади.

**509<sup>2</sup>-модда. Кассация шикоятига, протестга ўзгартиш ва қўшимча киритиш**

Кассация шикояти, протести берган шахс кассация инстанцияси суди мажлиси бошлангунига қадар уни ўзгартиришга ёки янги важлар билан тўлдиришга ҳақли.

Кассация протестига ўзгартиш ёки қўшимча киритиш, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг кассация шикоятига ўзгартиш ёки қўшимча киритиш чоғида маҳкумнинг аҳволини оғирлаштириш тўғрисидаги масала, агар бундай талаб дастлабки кассация шикоятида, протестида кўрсатилмаган бўлса, қўйилиши мумкин эмас.

Кассация шикояти берилганидан кейин ишга киришган ҳимоячи шикоятни ўзгартириши ёхуд янги важлар билан тўлдириши, илгари ишда иштирок этган ҳимоячи томонидан берилган шикоят важларига қўшимча асослар тақдим этиши мумкин.

**509<sup>3</sup>-модда. Кассация шикоятини, протестини қайтариб олиш**

Кассация шикояти, протести берган шахс уни қайтариб олишга ҳақли. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумнинг ҳимоячиси, қонуний вакили ўз шикоятини фақат маҳкумнинг розилиги билан қайтариб олишга ҳақли.

Маҳкум ўз ҳимоячиси томонидан берилган шикоятни қайтариб олишга ҳақли.

Кассация шикоятини, протестини қайтариб олишга кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар йўл қўйилади.

**509<sup>4</sup>-модда. Кассация инстанцияси судида ишни кўриш муддатлари**

Кассация инстанцияси суди шикоятни, протестни иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш суткадан кечиктирмай жиноят ишини кўришга киришиши керак.

Иш ўта мураккаб бўлганда ва бошқа алоҳида ҳолларда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат кассация инстанцияси судининг ажрими билан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида жиноят процессининг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилиниши керак.

Кассация инстанцияси суди томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш давомийлиги уни кўриб чиқиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

**509<sup>5</sup>-модда. Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш учун тайинлаш чоғида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар**

Судья кассация шикояти, протести берилган жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисида етти суткадан кечиктирмай ажрим чиқаради, унда қўйидаги масалаларни ҳал қилади:

- 1) жиноят ишини кўриш бошланадиган жой, сана ва вақт тўғрисидаги;
- 2) суд мажлисига тарафларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини чақириш тўғрисидаги;
- 3) ушбу Кодекснинг 19-моддасида назарда тутилган ҳолларда, жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги;
- 4) озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумнинг суд мажлисида иштирок этиши тўғрисидаги.

Қабул қилинган қарор тўғрисида ушбу Кодекс 499-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга, шунингдек прокурорга уч сутка ичида хабар қилинади.

**509<sup>6</sup>-модда. Кассация инстанцияси суди мажлисида тарафларнинг иштироки**

Кассация инстанцияси судининг мажлисида қўйидагилар иштирок этиши шарт:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

ушбу Кодекснинг 51 ва 52-моддаларида кўрсатилган ҳолларда, химоячи.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг химоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари кассация инстанцияси судида ишни кўришда иштирок этишга ҳақли. Жазони ижро этиш муассасасида бўлган ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумнинг иштирок этиши зарурлиги тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал этилади. Мазкур шахслар суд мажлиси-

да бевосита ёхуд видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши мумкин.

Кассация инстанцияси суди мажлисининг жойи, санаси ва вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги жиноят ишини кўришга монелик қилмайди, суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган шахслар бундан мустасно.

### **509<sup>7</sup>-модда. Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўриш тартиби**

Кассация инстанцияси судининг мажлиси раислик қилувчи томонидан очилади, у қандай жиноят иши ва кимнинг кассация шикояти, протести бўйича кўрилаётганлигини эълон қилади. Шундан кейин раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, прокурорнинг, ҳимоячининг, суд мажлиси котибининг, шунингдек, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг фамилиясини, исмини ва отасининг исмини маълум қилади.

Раислик қилувчи ҳозир бўлган жиноят процесси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқларини тушунтиради ва уларда рад қилишга оид арзлар ҳамда илтимосномалар бор-йўқлигини, кассация шикоятида, протестида баён этилган илтимосларни қувватлашини ёки қувватламаслигини аниқлайди. Бундай илтимослар мавжуд бўлганда суд улар бўйича ажрим чиқаради.

Ишни кўриш судьялардан бири томонидан биринчи инстанция, апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажримининг, кассация шикоятининг, протестнинг мазмунини қисқача баён этиш билан бошланади.

Судьянинг маърузасидан кейин суд кассация шикояти, протестини берган тарафларнинг маърузаларини ва бошқа тарафнинг эътирозларини эшитади. Бир нечта шикоят мавжуд бўлган тақдирда сўзга чиқиш навбати тарафларнинг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Агар берилган кассация шикоятлари орасида прокурорнинг кассация протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Кассация инстанцияси судининг мажлисида иштирок этаётган прокурор кўриб чиқиляётган кассация шикоятлари юзасидан фикрини билдиради, протестда кўрсатилган важларни баён этади.

Шундан кейин суд иш материаллари бўйича далилларни текширишга ўтади. Тарафлар кассация инстанцияси судига кассация шикоятида, протестида келтирилган важларни тасдиқлаб ёки инкор этиб, қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли.

Суд муҳокамаси яқунланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади.

Тарафларнинг маърузалари тугаганидан кейин суд маслаҳатхонага киради.

Кассация инстанцияси судининг қарори ушбу Кодекснинг 497<sup>31</sup>-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

Кассация инстанцияси судининг қарорини эълон қилиш ушбу Кодекснинг 497<sup>31</sup>-моддаси қоидаларига кўра амалга оширилади.

Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баён-

номаси тузилади. Баённома ушбу Кодекснинг 426-моддасида кўрсатилган муддатда тайёрланиши керак. Баённома билан суд мажлисининг барча иштирокчилари танишишга ва зарурат бўлганда ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда унга доир ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

#### **509<sup>8</sup>-модда. Кассация инстанцияси суди томонидан жиноят ишени кўриш чегараси**

Кассация инстанцияси суди кассация шикоятни, протестида баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишени барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

Жиноят ишени бўйича бир неча шахс ҳукм қилинган ёки оқланган тақдирда, суд кассация шикоятни, протести берилмаган маҳкумларга ёки оқланган шахсларга нисбатан ҳукми, ажримни бекор қилишга, башарти ҳукм, ажримнинг бекор қилиниши уларнинг аҳволини оғирлаштиради, ҳақли эмас.

Кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишени апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Кассация инстанцияси суди ишени янгидан апелляция тартибида кўриб чиқиш учун юбораётганда айблов исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилларнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг таснифи ва жазо чораси тўғрисида олдиндан хулоса чиқариб қўйишга ҳақли эмас.

#### **509<sup>9</sup>-модда. Кассация инстанцияси судининг ваколатлари**

Кассация инстанцияси суди жиноят ишени кўриш натижалари бўйича қуйидаги ажримлардан бирини қабул қилади:

1) биринчи инстанция, апелляция инстанцияси судларининг ҳукмларини, ажримларини ўзгаришсиз қолдириш, кассация шикоятини, протестини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

2) апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ёки ишени апелляция тартибида янгидан кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида;

3) иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва ишени тугатиш тўғрисида;

4) биринчи инстанция, апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгартириш тўғрисида.

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим, агар:

1) кассация инстанцияси суди ушбу қарорлар билан аввалги ҳукмлар ёки ажримлар асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган деб топса;

2) ишени кўраётганда улар апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг ёки кассация инстанцияси суди ажримининг қонунийлигига

таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонун бузилишига йўл қўйган бўлса.

### **509<sup>10</sup>-модда. Кассация инстанцияси судининг ажрими**

Кассация инстанцияси судининг ажримида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган сана ва жой;
- 2) суднинг номи ва таркиби, ишни кўришда иштирок этган прокурор ва бошқа шахслар;
- 3) кассация шикоятини ёки протестини берган шахс;
- 4) биринчи инстанция, апелляция инстанцияси судининг шикоят ёки протест берилган ҳукмининг, ажримининг қарор қисми мазмуни;
- 5) шикоятнинг, протестнинг, кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этаётган шахслар эътирозларининг ва тушунтиришларининг моҳияти, шунингдек прокурорнинг фикри;
- 6) шикоят, протест бўйича кассация инстанцияси судининг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилганда кассация инстанцияси судининг ажримида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли деб, биринчи, апелляция инстанцияси судининг ажрими қонуний ва асосли деб топилганлигининг, шикоят ёки протест эса қаноатлантирилмасдан қолдирилганлигининг асослари кўрсатилиши керак.

Ҳукм, ажрим бекор қилинган ёки ўзгартирилган тақдирда, кассация инстанцияси судининг ажримида қонуннинг қайси нормалари талаблари бузилганлиги ва бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асослиги нимадан иборат эканлиги кўрсатилиши керак.

Кассация инстанцияси судининг ажрими суднинг тўлиқ таркиби томонидан имзоланади. Овоз беришда озчилик томонда бўлган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Кассация инстанцияси судининг ажрими суд мажлиси залида ўқиб эшиттирилади ва дарҳол қонуний кучга киради.

Кассация инстанцияси судининг ажрими ушбу Кодекс 497<sup>31</sup>-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмларида белгиланган тартибда ижро этилади.

### **509<sup>11</sup>-модда. Ишни кассация инстанцияси судида қўшимча тарзда кўриш**

Агар айрим маҳкумларга тааллуқли кассация шикояти ёки протести бирор сабабга кўра кассация инстанцияси судига бошқа маҳкумларга тааллуқли жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса, шунингдек, агар маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг кассация шикояти, ушбу маҳкумга тааллуқли иш жиноят процессининг бошқа иштирокчисининг кассация шикояти ёки протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, кассация инстанцияси суди бундай шикоятни ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Агар ишни қўшимча кўриш чоғида кассация инстанцияси суди томо-

нидан чиқарилган ажрим илгари чиқарилган ажримга зид бўлса, иш кассация инстанцияси судида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун кассация инстанцияси суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига юборилади.

#### **509<sup>12</sup>-модда. Ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриш**

Кассация инстанцияси суди жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг ушбу Кодекснинг 497<sup>19</sup>-моддасида назарда тутилган асосларга кўра киритган кассация протести бўйича кассация тартибида такроран кўради.

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида такроран кўриш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг илгари мазкур ишни кўришда иштирок этмаган беш нафар судьясидан иборат таркибда, ушбу бобда назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Кассация инстанцияси суди ишни такроран кўриб чиқишда:

1) кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилишга ёки ўзгартиришга;

2) биринчи, апелляция инстанциялари судининг ҳукмини, ажримини ўз кучида қолдиришга ёки ўзгартиришга;

3) апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини бекор қилишга ва ишни апелляция тартибида янгидан кўриш учун юборишга;

4) иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилишга ва ишни тугатишга ҳақлидир.

#### **509<sup>13</sup>-модда. Суд ҳукми, ажрими бекор қилинганидан кейин ишни кўриш**

Судининг ҳукми ёки ажрими кассация тартибида бекор қилинганидан кейин иш апелляция инстанцияси суди томонидан умумий тартибда кўрилади.

Апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўриш чоғида жазони кучайтиришга ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга фақат, башарти дастлабки ҳукм ёки ажрим кассация тартибида жазонинг энгиллиги ёки оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш зарурати муносабати билан бекор қилинган бўлса, йўл қўйилади. Апелляция инстанцияси судининг чиқарган ҳукми, ажрими устидан умумий тартибда шикоят берилиши мумкин»;

40) **57-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«57-боб. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш»;**

41) **510** — **521-моддалар** чиқариб ташлансин;

42) **522** — **527-моддалар** қуйидаги мазмундаги **522** — **527<sup>1</sup>-моддалар** билан алмаштирилсин:

**«522-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар**

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими янги очилган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши ҳамда иш юритиш қайтадан бошланиши мумкин.

Янги очилган ҳолатлар суднинг ҳукми ёки ажрими қонуний кучга кирган пайтда мавжуд бўлган, бироқ судга маълум бўлмаган ҳолатлардир.

Янги очилган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1) жабрланувчининг ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, худди шунингдек ашёвий далиллар, тергов ва суд ҳаракатлари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг сохта эканлиги ёки била туриб нотўғри таржима қилинганлиги қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига олиб келган жиноий хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) муайян жиноят ишини кўриш чоғида судья томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4) ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлиги даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган шахснинг ёки ўзига нисбатан иш тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар.

**523-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари**

Маҳкумнинг фойдасини кўзлаб, айблов ҳукмини янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриб чиқиш ҳеч қандай муддатлар билан чегараланмайди.

Маҳкумнинг ўлими уни реабилитация қилиш мақсадида иш юритишни янги очилган ҳолатлар туфайли қайтадан бошлаш учун монелик қилмайди.

Оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суд ажримини ёки айблов ҳукмини жазонинг энгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги муносабати билан қайта кўришга фақат Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортишнинг ўтиш муддатлари давомида ва янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирилмаган ҳолда йўл қўйилади.

Янги очилган ҳолатлар очилган кун қуйидагича ҳисобланади:

1) ушбу Кодекс 522-моддаси учинчи қисмининг 1 — 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда — сохта далиллар тақдим этганликда, била туриб нотўғри таржима қилганликда ёки иш бўйича тергов юритишда ёхуд ишни

судда кўришда жиноий суиистеъмол содир этганликда айбли шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кун;

2) ушбу Кодекс 522-моддаси учинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда — янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисида судга прокурор томонидан протест ёки ушбу Кодекс 524-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган шахслар томонидан илтимоснома киритилган кун.

#### **524-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш**

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи ҳамда унинг вакили кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш тўғрисида протест беришга ҳақли.

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш тўғрисида судга протест киритиш учун қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- 1) фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг хабарлари;
- 2) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;
- 3) суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда бошқа жиноят ишини кўриш жараёнида олинган маълумотлар.

Агар судга келиб тушган илтимосномада, протестда ушбу Кодекс 522-моддаси учинчи қисмининг 1 — 3-бандларида назарда тутилган ҳолатларни кўрсатувчи маълумотларга ҳавола мавжуд бўлса, судья суриштирув, тергов органларидан ва суддан тегишли процессуал ҳужжатларни талаб қилиб олади ҳамда асослар мавжуд бўлган тақдирда янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги ёки бундай асослар мавжуд эмаслиги ҳақидаги масалани ўз ажрими билан кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш учун киритади.

Агар судга келиб тушган илтимосномада ушбу Кодекс 522-моддаси учинчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган ҳолатлар кўрсатилган бўлса, суд материалларни тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради. Янги очилган ҳолатлар тергов қилинаётганда ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда сўроқ, кўздан кечириш, экспертиза, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Тергов натижалари бўйича прокурор уч ойлик муддатда судга янги очилган ҳолатлар туфайли суд ҳукми, ажримини қайта кўриш учун асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида тегишли материалларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Прокурорнинг хулосасини кўриб чиқиш натижалари бўйича судья ўз



ажрими билан янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги ёки бундай асослар мавжуд эмаслиги ҳақидаги масалани кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш учун киритади.

Судьянинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажрими манфаатдор шахсларнинг шикоятига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарларининг протестига кўра, материалларни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун ўтказган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан бекор қилиниши мумкин.

**525-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисидаги аризаларни, хабарларни прокурор томонидан кўриб чиқиш**

Агар прокурорга келиб тушган аризада ёки хабарда ушбу Кодекс 522-моддаси учинчи қисмининг 1 — 4-бандларида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлиги кўрсатилган бўлса, уларни текшириш ёки тергов қилиш натижалари бўйича иш юритишни янги очилган ҳолатлар туфайли қайтадан бошлаш учун асослар аниқланганда прокурор кассация инстанцияси судига тегишли протест киритади.

Протест ушбу Кодекс 522-моддаси учинчи қисмининг 1 — 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда жиноят иши материаллари ва бошқа иш бўйича ҳукмнинг кўчирма нусхаси, шу модда учинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда эса тергов материаллари илова қилинган ҳолда судга юборилади.

Прокурор янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида судга протест киритиш учун асослар йўқ деб топса, бу ҳақда асослантирилган қарор чиқаради.

Прокурор қарорининг кўчирма нусхаси уч сутка ичида аризачига юборилиб, унга қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ёки янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида илтимоснома билан судга мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

**526-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани суд томонидан кўриб чиқиш**

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, илтимоснома берган шахс, унинг вакили, ҳимоячиси, суд мажлисига чақирилган бошқа шахслар иштирок этади. Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги илтимосномани кўриб чиқишга монелик қилмайди. Зарур бўлганда суд уларнинг зиммасига суд мажлисига келиш

мажбуриятини юклатишга ҳақли. Қамоқда сақланаётган маҳкумнинг суд мажлисида иштирок этиши видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланган ҳолда таъминланиши мумкин.

Суд муҳокамаси тугагач, ажрим чиқарилади.

**527-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масала бўйича суд ажрими**

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, суд қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) суд ҳукмини, ажримини бекор қилиш, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ва ишни янгитдан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судига юбориш тўғрисида;

2) иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ва ишни ушбу Кодекснинг 416, 417-моддаларида назарда тутилган ҳоллар аниқланганда прокурорга юбориш тўғрисида;

3) агар янги тергов ишини юритишга ёки жиноят ишини судда кўришга зарурат бўлмаса, суд ҳукмини, ажримини бекор қилиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисида;

4) янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашни рад этиш тўғрисида.

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган суд ажримининг кўчирма нусхаси прокурорга ва аризачига юборилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси бошқа манфаатдор шахсларга уларнинг илтимосига кўра юборилади.

**527<sup>1</sup>-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли қайта бошланган жиноят иши бўйича иш юритиш**

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритиш қайтадан бошланганлиги муносабати билан суд қарорлари бекор қилинганидан кейин жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаси умумий тартибда амалга оширилади»;

43) **58-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«58-боб. Ҳукмларни ва ажримларни ижро эттириш»;**

44) **528-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«528-модда. Ҳукмнинг қонуний кучга кириши ва уни ижро эттириш**

Агар биринчи инстанция судининг ҳукми устидан тарафлар шикоят бермаган бўлса, ушбу ҳукм унинг устидан апелляция тартибида шикоят ва протест бериш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция

шикоятни ёки протест берилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, иш юқори суд томонидан кўриб чиқилган кунда қонуний кучга киради.

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми эълон қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради.

Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, агар улардан лоақал биттасига тааллуқли ҳукм устидан шикоят ёки протест берилган бўлса, апелляция инстанцияси суди ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки жиноят иши апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан эътиборан уч сутка ичида ҳукм биринчи инстанция суди томонидан ижро эттирилади. Иш фақат биринчи инстанция судига юборилиши лозим ва прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас»;

45) **530-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«530-модда. Суд ажримининг қонуний кучга кириши ва уни ижро этиш**

Биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш муддати ўтиши билан ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда иш апелляция инстанцияси судида кўриб чиқилганидан кейин қонуний кучга киради ва ижро этилади.

Суднинг апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланоқ дарҳол кучга киради ва ижро этилади.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд ажримининг айбланувчини ёки судланувчини қамоқдан ёки уй қамоғидан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ажрими эълон қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради.

Апелляция ва кассация инстанцияси судининг ажрими ушбу Кодекс 497<sup>31</sup>-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга кўра ижро эттирилади»;

46) **531-модда:**

**номидаги** «ва қарорни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмидаги** «ва қарорни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишни апелляция, кассация тартибида кўриш чоғида ҳукм ўзгартирилган тақдирда, ҳукмнинг кўчирма нусхасига апелляция, кассация инстанцияси суди ажримининг кўчирма нусхаси илова қилинади»;

47) **581-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «хусусий шикоятлар» деган сўзлар «хусусий шикоят» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «шикоят» деган сўз «хусусий шикоят» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу моддада назарда тутилган ажримлар устидан берилган хусусий шикоятни, протестни апелляция инстанция суди ушбу Кодекснинг 552-бобида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда кўриб чиқади»;

48) **590-модданинг биринчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) **591-модданинг тўртинчи қисмидаги** «бундай шикоят ва протестлар тегишинча апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилиши лозим» деган сўзлар «бундай шикоят ва протестлар тегишинча апелляция тартибида кўриб чиқилиши лозим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

50) **602-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судига, жиноят ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судларига» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоят, Тошкент шаҳар судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўнинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «йигирма» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмларидаги** «шикояти ёки протести» деган сўзлар «шикояти, протести» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн учинчи қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги** «шикоятини ёки протестини» деган сўзлар «шикоятини, протестини» деган сўзлар билан алмаштирилсин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 январь,  
ЎРҚ-664-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**5 Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 11 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил,

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

№ 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисмидаги** «туман (шаҳар) маъмурий суди» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «туман (шаҳар) маъмурий суди» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «туман (шаҳар) маъмурий суди» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **29<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «туман (шаҳар) маъмурий суди» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **38-модданинг иккинчи қисмидаги** «маъмурий суд» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **242-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, конунда назарда тутилган ҳолларда эса иктисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар»;

7) **245-модданинг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«245-модда. Жиноят ишлари бўйича судлар»;**

**биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «Маъмурий судлар», «маъмурий судлар» деган сўзлар тегишинча «Жиноят ишлари бўйича судлар», «жиноят ишлари бўйича судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «маъмурий суд» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **294-модданинг учинчи қисмидаги** «маъмурий суднинг» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **308-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган ўз ҳисобидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзувини олишга ҳақли»;

11) **309-модданинг иккинчи қисми** «қабул қилинган қарор» деган сўзлардан кейин «шунингдек унинг устидан шикоят бериш муддати ва тартиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **XXIV бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«XXIV боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор (ажрим) устидан шикоят бериш ва протест билдириш»;**

13) **314-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор устидан ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан жиноят ишлари бўйича суднинг қарори устидан шикоят бериш ушбу Кодекснинг XXIV<sup>1</sup> бобида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

14) **315-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг қарори устидан эса апелляция инстанцияси судига шикоят берилиши мумкин. Иқтисодий суднинг қарори устидан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига белгиланган тартибда, фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарори устидан эса Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин»;

15) **317-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) жиноят ишлари бўйича суд судьясининг қарори устидан — ушбу Кодекснинг XXIV<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда апелляция инстанцияси судига»;

16) **319-модданинг учинчи қисмидаги** «туман (шаҳар) маъмурий судининг» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **XXIV<sup>1</sup> бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«XXIV<sup>1</sup> боб. Жиноят ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини (ажримини) қайта кўриш бўйича иш юритиш»;**

18) **XXIV<sup>1</sup> бобнинг 1-параграфи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1-§. Апелляция инстанцияси судида иш юритиш**

**324<sup>1</sup>-модда. Апелляция шикояти (протести) бериш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан ўзига нисбатан

суднинг қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган биринчи инстанция судининг қарори устидан апелляция шикояти беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан шикоят (протест) иш билан бирга уч сутка ичида апелляция инстанцияси судига юборилиши лозим.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан шикоят (протест) апелляция инстанцияси судига шикоят (протест) олинган куни юборилиши лозим.

Апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг номига йўлланади, лекин маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорни чиқарган судга берилади.

### **324<sup>2</sup>-модда. Апелляция тартибда ишларни қайта кўрувчи судлар**

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари юзасидан биринчи инстанция бўйича чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги, асослан-тирилганлиги ва адолатлилигини апелляция тартибда текширади.

### **324<sup>3</sup>-модда. Апелляция шикояти (протести) бериш муддатлари**

Биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан апелляция шикояти (протести) қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса, қарорнинг кўчирма нусхалари уларга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда, апелляция шикояти (протести) берувчи шахснинг илтимосномасига кўра, қарорни чиқарган суд, агар муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома-ни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг устидан хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

### **324<sup>4</sup>-модда. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олиш**

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан шикоят берган шахс шикоятни қайтариб олишга ҳақли. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи протестни киритган прокурорга, шунингдек юқори турувчи прокурорга тегишлидир.



Ўзига нисбатан суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарори чиқарилган шахс ўз адвокатининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олишга апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киргунига қадар йўл кўйилади.

### **324<sup>5</sup>-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддатлари**

Биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) у ишнинг барча материаллари билан келиб тушган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилиши лозим.

Ушбу Кодекснинг 51<sup>2</sup>, 51<sup>3</sup>, 51<sup>4</sup>, 51<sup>5</sup>, 51<sup>6</sup>, 51<sup>7</sup>, 51<sup>8</sup>, 51<sup>9</sup>-моддаларида назарда тутилган биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича қарорлари устидан берилган апелляция шикоятлари (протестлари) ишнинг барча материаллари билан келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилиши лозим.

Биринчи инстанция судининг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) шикоят (протест) берилган пайтдан эътиборан бир сутка ичида апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилиши лозим.

### **324<sup>6</sup>-модда. Суд хабарномалари ва чақирувлари**

Ишда иштирок этувчи шахслар апелляция шикояти (протести) кўриладиган вақт ва жой ҳақида суд чақирув қоғозлари, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

### **324<sup>7</sup>-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўриш тартиби**

Биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг судьяси томонидан якка тартибда кўрилади.

Апелляция инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни суд мажлисида ушбу параграфда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу Кодекснинг XXIII бобида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш қоидаларига биноан кўриб чиқади.

Суд мажлисида раислик қилувчи қандай иш кўрилишини, апелляция шикояти (протести) ким томонидан ва қайси суднинг қарори устидан берилганлигини маълум қилади, ишда иштирок этувчи қайси шахслар, уларнинг вакиллари келганлигини, ҳозир бўлганларнинг шахсини аниқлайди, мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатларини текширади, ишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва маж-

буриятларини тушунтиради, рад қилиш ҳақидаги арзларни ҳамда илтимосномаларни ҳал қилади.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги ишни апелляция тартибида кўриш учун монелик қилмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни апелляция инстанцияси судида кўриш суд мажлисида раислик қилувчи судьянинг маърузаси билан бошланади. Маъруза давомида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳолатлари, биринчи инстанция суди қарорининг мазмуни, апелляция шикоят (протести) важлари баён этилади.

Маърузадан кейин суд мажлисида ҳозир бўлган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг, уларнинг вакилларининг тушунтиришлари эшитилади. Апелляция шикояти берган шахс ёки унинг вакили ёхуд агар прокурор протест берган бўлса, прокурор биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг сўзларини эшитиб, тегишли илтимосномалар мавжуд бўлганда ёки ўз ташаббусига кўра ишдаги мавжуд ва судга тақдим этилган (суд томонидан талаб қилиб олинган) янги далилларни текширади.

Суд апелляция шикоятининг (протестининг) важлари билан чегараланмай, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини тўлиқ ҳажмда текширади.

Апелляция инстанцияси суди иш ҳолатларини аниқлаштиришни ва далилларни текширишни тамомлагач, ишда иштирок этаётган шахсларга улар судда тушунтириш берган кетма-кетликда музокараларга чиқиш имкониятини яратади.

Суд музокаралари тугаллангач, судья қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киради.

### **324<sup>8</sup>-модда. Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Биринчи инстанция судининг қарори устидан апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижаларига кўра, апелляция инстанцияси суди кўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) биринчи инстанция суди қарорини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмай қолдириш тўғрисида;

2) биринчи инстанция суди қарорини, шунингдек органнинг (мансабдор шахснинг) қарорини бекор қилиш ва ишни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган органга (мансабдор шахсга) қайтариш ҳақида;

3) биринчи инстанция суди қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш ва янги қарор чиқариш тўғрисида;

4) биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида;

5) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартириш ҳақида;

б) апелляция шикояти (протести) қайтариб олинishi муносабати билан апелляция иш юритишини тугатиш тўғрисида.

Апелляция инстанцияси судининг қарори чиқарилганидан кейин дарҳол ўқиб эшиттирилади.

Апелляция инстанцияси судининг қарори у ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан қонуний кучга киради.

Апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин.

### **324<sup>9</sup>-модда. Апелляция инстанцияси суди қарорининг кўчирма нусхасини юбориш (топшириш)**

Апелляция инстанцияси судининг қарори чиқарилганидан кейин унинг кўчирма нусхаси ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахсга, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган органга уч суткагача бўлган муддатда топширилади ёки юборилади, шунингдек жабрланувчига ўз сўровига биноан ушбу муддатда топширилади ёки юборилади.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган қарор у қабул қилинган куни қарорни ижро этувчи органнинг, мансабдор шахснинг, шунингдек ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахснинг ва жабрланувчининг эътиборига етказилади»;

19) **XXIV<sup>1</sup> бобнинг 2-параграфи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«2-§. Кассация инстанцияси судида иш юритиш**

### **324<sup>10</sup>-модда. Кассация тартибида суд ҳужжатларини қайта кўриш**

Кассация тартибида биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича апелляция тартибида кўрилган қарорлари ва апелляция инстанцияси судининг қарорлари қайта кўрилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

### **324<sup>11</sup>-модда. Кассация шикояти бериш (протест келтириш) ҳуқуқи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган суд ҳужжатлари устидан кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қора-

қалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарлари суд ҳужжатлари устидан кассация тартибида протест келтиришга ҳақли.

### **324<sup>12</sup>-модда. Кассация шикояти (протести) бериш тартиби ва муддати**

Кассация шикояти (протести) бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг қарори чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддат ўтказиб юборилган ҳолларда, кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) бераётган шахснинг илтимосномасига асосан, агар уни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топса, ўтказилган муддатни тиклашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

### **324<sup>13</sup>-модда. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни**

Кассация шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят (протест) берилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи ва ишдаги процессуал ҳолати;
- 3) биринчи, апелляция инстанциясида ишни кўрган судлар, шунингдек улар томонидан қабул қилинган қарорлар мазмуни;
- 4) шикоят берилаётган (протест билдирилаётган) суд ҳужжатлари;
- 5) суд ҳужжатини кассация тартибида қайта кўриш учун асослар, бундай асослар мавжудлигини тасдиқловчи важларни келтирган ҳолда;
- 6) шикоят (протест) берган шахснинг илтимоси.

Кассация шикояти (протести) шикоят (протест) бераётган шахс томонидан имзоланиши керак.

Кассация шикоятига (протестига) иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинади.

### **324<sup>14</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш**

Кассация шикояти (протести) қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг ажрими билан қайтарилади, агар у:

- 1) кассация инстанцияси судига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;
- 2) ушбу Кодекснинг 324<sup>13</sup>-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;
- 3) иш бўйича қабул қилинган, суд томонидан тасдиқланган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари илова қилинмаган бўлса;

- 4) иш кассация тартибида кўрилиши лозим бўлмаса;
- 5) шикоят (протест) белгиланган муддат ўтказилиб берилган бўлса;
- 6) шикоятни (протестни) чақириб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.

Шикоят (протест) берган шахс ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 3-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

### **324<sup>15</sup>-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни талаб қилиб олиш**

Кассация шикоятини ўрганиб чиқаётган Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг ўринбосарлари ишни кассация тартибида такроран кўришга асослар мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда, кассация протести келтириш масаласини ҳал этиш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

### **324<sup>16</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддатлари**

Кассация шикояти (протести) бир ойгача бўлган муддатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш талаб қилиб олинган тақдирда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

### **324<sup>17</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш**

Кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси суди судьяси томонидан ўрганилиб, у кўпи билан ўн сутка муддатда қўйидаги масалаларни ҳал этади:

1) шикоятни (протестни) ушбу Кодекс 324<sup>14</sup>-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қайтариш учун асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни талаб қилиб олиш учун асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги.

Шикоятни (протестни) ўрганиш натижаларига кўра, судья қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) шикоятни (протестни) иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида;

2) шикоятни (протестни) қайтариш тўғрисида.

Қабул қилинган қарор тўғрисида кассация шикоятни (протести) берган шахсга уч кунлик муддатда хабар қилинади.

**324<sup>18</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш учун кассация инстанцияси судига киритиш тўғрисидаги ажрим мазмуни**

Шикоятни (протестни) иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 3) кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 4) биринчи ва апелляция инстанцияси судининг номи ва улар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг қисқача мазмуни;
- 5) кассация шикоятининг (протестининг) қисқача мазмуни;
- 6) шикоятни (протестни) кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш асослари.

Судья кассация шикоятини (протестини) кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш билан бир вақтда шикоятни (протестни) берган шахснинг илтимосномасига кўра низолашилаётган суд ҳужжатининг ижросини кассация тартибидаги иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

**324<sup>19</sup>-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш**

Иш кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритилганлиги ҳақида уч кунлик муддатда кассация шикоятни (протести) берган шахсга, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга, агар шикоят (протест) уларнинг манфаатларига дахл қилса, хабар қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхаси ёки уларнинг электрон нусхалари билан кассация инстанцияси судининг интернет-ресурси орқали танишиш имконияти тўғрисидаги хабарнома юборилади. Бунда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг шикоятга (протестга) доир эътирозларини ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида бериш ҳуқуқи, ушбу эътирозларни тақдим этиш муддати кўрсатилган ҳолда, тушунтирилади. Шикоят (протест) юзасидан келиб тушган эътирозлар ишга қўшиб қўйилади.

**324<sup>20</sup>-модда. Кассация шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш. Шикоятни (протестни) қайтариб олиш**

Кассация шикоятни берган шахс кассация инстанцияси судининг суд мажлиси бошлангунига қадар уни янги важлар билан тўлдиришга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор протестни кассация инстанцияси судининг суд мажлиси бошлангунига қадар тўлдиришга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Кассация шикоятига (протестига) ўзгартириш ёки тўлдириш киритишда тегишинча маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган, жабрланувчи ёки унинг вакили ёхуд прокурор томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг аҳволини ёмонлаштириш тўғрисида масала, агар бундай талаб дастлабки кассация шикоятида (протестида) мавжуд бўлмаса, қўйилиши мумкин эмас.

Кассация шикояти берган шахс уни қайтариб олишга ҳақли. Кассация протестини қайтариб олиш ҳуқуқи протестни киритган прокурорга, шунингдек юқори турувчи прокурорга тегишлидир. Кассация шикоятини (протестини) қайтариб олишга кассация инстанцияси суди қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киргунига қадар йўл қўйилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариб олишда кассация инстанцияси суди ажрим чиқаради ва бу ажрим билан, агар суд қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

### **324<sup>21</sup>-модда. Ишни кассация тартибида кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби**

Кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Кассация инстанцияси суди судья ишни шикоят (протест) билан бирга кўриб чиқиш учун кассация инстанцияси судига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарган кундан эътиборан ўн беш суткадан кечиктирмай ишни кўриб чиқишга киришиши керак.

Ишни кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқиш давомийлиги уни кўриш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги керак.

Кассация инстанцияси суди мажлисида кассация шикояти (протести) берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ва (ёки) уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор этилган шахслар келмаганлиги ишни кассация тартибида кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Кассация тартибида ишни кўриш судьянинг маърузаси билан бошланади, у ишнинг ҳолатларини, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари мазмунини, кассация шикоятида (протестида) келтирилган вазларни баён этади.

Суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар иш бўйича тушунтириш беришга ҳақли. Кассация шикояти берган шахс биринчи бўлиб тушунтиришлар беради, агар иш прокурорнинг протести бўйича кўрилаётган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади.

Ишни кассация тартибида кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим қабул қилинади.

Ажримнинг кўчирма нусхалари кассация шикояти (протести) берган шахсга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ушбу Кодекснинг 324<sup>9</sup>-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.

### **324<sup>22</sup>-модда. Кассация инстанцияси судининг ваколатлари**

Кассация инстанцияси суди ишни кассация тартибида кўриб чиққач, қуйидагиларга ҳақли:

1) суд ҳужжатини ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) суд ҳужжатини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни апелляция инстанциясида янгидан кўриш учун юборишга;

3) суд ҳужжатини ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга;

4) иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга;

5) суд ҳужжатларини бекор қилишга ва ишни юритишни тугатишга;

6) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартиришга;

7) кассация шикояти (протести) қайтариб олинганлиги муносабати билан кассация иш юритувини тугатишга.

### **324<sup>23</sup>-модда. Суд ҳужжатини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар**

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги, асослантилмаганлиги ва адолатсизлиги суд ҳужжатини кассация тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳужжати фақат биргина юзаки асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас.

### **324<sup>24</sup>-модда. Кассация инстанцияси судининг ажрими**

Кассация инстанцияси судининг ажримида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ажримни қабул қилган суднинг номи ва таркиби;

2) ажрим қабул қилинган сана ва жой;

3) ажрим қабул қилинган иш;

4) кассация шикояти (протести) берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

5) шикоят берилган (протест келтирилган) суд ҳужжатлари мазмуни;

6) суднинг кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари юзасидан хулосалари ва суд амал қилган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар.

Кассация инстанцияси судининг ажрими судья томонидан имзоланади.



Кассация инстанцияси судининг ажрими қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

### **324<sup>25</sup>-модда. Ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриш**

Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари киритган протестга кўра кассация тартибида такроран кўради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақидаги протест кассация инстанцияси судининг ажрими чиқарилган кундан эътиборан олти ойлик муддатда келтирилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни такроран кўриш ушбу параграфда назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда, мазкур ишни кўришда илгари иштирок этмаган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг уч нафар судьясидан иборат таркибда амалга оширилади.

Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни такроран кўриш чоғида ушбу Кодекснинг 324<sup>22</sup>-моддасида кўрсатилган қарорлардан бирини қабул қилишга, шу жумладан кассация инстанцияси судининг илгари қабул қилинган ажримини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

### **324<sup>26</sup>-модда. Кассация инстанцияси суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек ушбу Кодекс нормалари бузилишини бартараф этишга қаратилган кўрсатмалари ишни янгидан кўраётган апелляция инстанцияси суди учун мажбурийдир.

Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни янгидан апелляция тартибида кўриб чиқиш учун юбораётганда айб исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан афзаллиги, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таснифи ва маъмурий жазо чораси тўғрисида олдиндан хулосалар чиқаришга ҳақли эмас»;

20) **324<sup>27</sup>-модданинг матнидаги** «Маъмурий суд» деган сўзлар «Жиноят ишлари бўйича суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **324<sup>28</sup>-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «маъмурий суд» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **324<sup>29</sup>-модданинг 4-бандидаги** «маъмурий суднинг» деган

сўзлар «жиноят ишлари бўйича суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **326-модданинг иккинчи қисмидаги** «Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорга шикоят берилган» деган сўзлар «Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор устидан апелляция тартибида шикоят берилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **339-моддадаги** «маъмурий судга» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **343-моддадаги** «маъмурий суд» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 январь,  
ЎРҚ-665-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**6****Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 15 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда) **26-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**биринчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилинади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан бекор қилинган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қарорлари ўзининг амал қилишини тугатади»;

**иккинчи қисм учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6,

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 январда эълон қилинган.

102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда; № 5, 296-модда) **239-моддаси учинчи қисмининг 3-бандидаги** «ёки уларнинг раҳбарлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4,

104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **175<sup>8</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«175<sup>8</sup>-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш**

Давлат харидлари режаларини, шу жумладан режа-жадвалларини шакллантириш ва жойлаштириш тартиби бўйича қонунчилик талабларига риоя этмаслик, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда давлат харидларини амалга ошириш чоғида махсус ахборот порталига давлат харидлари бўйича эълонлар жойлаштириш тартибини, мажбурий муҳокама ўтказиш тартиби ва муддатларини ҳамда давлат хариди натижаларини жойлаштириш муддатларини бузиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат харидлари тўғрисидаги эълонларга ва харид ҳужжатларига қонунчиликда тақиқланган ҳамда рақобатни чекловчи ахборотни, ҳаволалар ва талабларни киритиш, харид ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда буюртмаларни шакллантириш тартибларини бузиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Товарларни, ишларни ва хизматларни етказиб берувчиларни тендер ўтказиш йўли билан аниқлаш талабларини бузиш, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ товарларни етказиб берувчини, иш бажарувчини ва хизмат кўрсатувчини рақобатли харид усули воситасида аниқлаш белгиланган ҳолларда, давлат харидларини ягона етказиб берувчидан ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат харидлари жараёнидаги аффилланганлик ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бермаслик, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчи-

ликда назарда тутилмаган ҳолларда, давлат харидлари бўйича таклифларни қабул қилмаслик ёки таклифларни тақдим этиш муддатларини давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда қисқартириш, шунингдек таклифлар солинган конвертларни очиш ва харид ҳужжатларига мувофиқ таклифларни баҳолаш талабларини бузиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **198<sup>4</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«198<sup>4</sup>-модда. Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик**

Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик, шу жумладан ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик, — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **215<sup>6</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«215<sup>6</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги органларининг давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳақидаги тақдимномаларини бажармаслик**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги органларининг давлат мулки объектлари, шу жумладан хориждаги давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳақидаги тақдимномаларини бажармаслик ёки маълумотларнинг тўлиқлигини таъминламаслик, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **227<sup>4</sup>-модданинг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **227<sup>16</sup>-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига илгари олиб кирилган транспорт воситасини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига белгиланган муддатда олиб чиқмаган шахс қонунчиликда белгиланган йиғимни ўз ихтиёри билан бир иш куни ичида тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади»;

6) **245-модданинг биринчи қисми:**

«175<sup>7</sup>» рақамидан кейин «175<sup>8</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

«198<sup>3</sup>» рақамидан кейин «198<sup>4</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

7) **245<sup>2</sup>-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 198<sup>3</sup> ва 198<sup>4</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади»;

8) **262-модданинг биринчи қисмидаги** «моддаларида, 227<sup>4</sup>-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **264<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «175<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар «175<sup>2</sup> ва 175<sup>8</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **268<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «215<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар «215<sup>1</sup> ва 215<sup>6</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Ўсимликлар карантини тўғрисида**»ги 113–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда) **4-моддасининг иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Фитосанитария талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан тасдиқланади.

Фитосанитария талаблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва ижобий хулоса олинганидан кейин ҳисобга қўйилади.

Фитосанитария талаблари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида**»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261-модда, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда) **8-моддаси биринчи қисмининг 11-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси устидан назорат қилиш».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **30<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«30<sup>2</sup>-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги масала жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари, давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлари асосида Сенат томонидан қўмиталарнинг ташаббусига кўра ўн беш кун ичида кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади.

Сенатнинг халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорини бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига ижро этиш учун юборилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **32<sup>9</sup>** ва **32<sup>10</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«32<sup>9</sup>-модда. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш**

Сенат зарур бўлган тақдирда ўз мажлисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда, ҳам бевосита, ҳам видеоконференцалоқа режимида эшитади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколат-



хоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан эшитувни ташкил этиш бўйича чоралар кўрилиши учун ушбу вазирликни олдиндан хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, унда ушбу раҳбарларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори ўз ҳисоботи эшитилган шахсга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

### **32<sup>10</sup>-модда. Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Сенат Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сенатга Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни ҳар чоракда юборади.

Сенат Давлат бюджетининг ҳар чоракдаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, сенаторларнинг фикрлари ва таклифлари, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ҳамда тегишли қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Сенатга тақдим этади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Сенатнинг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида Сенатнинг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда Сенатнинг масъул қўмитаси жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Сенатнинг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Сенатнинг қўмиталарида муҳокама қилинганидан кейин Сенат мажлисида кўриб чиқилади ва Сенатнинг қарори билан тасдиқланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида**»ги 706–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда, № 9, 537-модда) **12-моддасининг учинчи қисмидаги** «сессиялар оралиғидаги даврда эса — мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **10-модданинг:**

**биринчи қисмидаги:**

«республика бюджетига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «республика бюджетига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда қабул қилинган «**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–213-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 140-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда) қуйидаги мазмундаги **10<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«10<sup>1</sup>-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси**

Давлат бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш

соҳасидаги норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва ижобий ҳулоса олинганидан кейин ҳисобга қўйилади, бундан умумий техник регламентлар мустасно.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритилишига йўл қўйилмайди, бундан умумий техник регламентлар мустасно».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **25-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **29-модда биринчи қисмининг ўттиз иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **97-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин, худди шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилинади»;

4) **126-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик палатасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **167-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **169-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси,

Сенати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарида муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Тегишли ҳисобот даври учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарида кўриб чиқилганидан кейин тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ўзларига ажратилган бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан тасдиқланганидан кейин ҳисобот йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган «**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–393-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 314-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **5-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда ижобий хулоса олинганидан кейин ҳисобга қўйилади.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради».

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 5-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколат-хоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалаларига доир ҳисоботларини эшитиш»;

**тўққизинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи — ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 7-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси, Сенат Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий Мажлис палаталарига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғри-сидаги ахборотни ва зарур материалларни ҳар чоракда юборади.

Қонунчилик палатаси, Сенат Давлат бюджетининг ҳар чоракдаги иж-росининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, фракцияларнинг, Сенат аъзоларининг фикрлари ва таклифлари, Олий Мажлис палаталари масъул қўмиталарининг тегиш-ли хулосалари эшитилади, муҳокамалар ўтказилади ҳамда тегишли қарор-лар қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Қонунчилик палатасига, Сенат-га тақдим этади.

Қонунчилик палатаси, Сенат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни теги-шинча фракцияларда, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарида дастлаб-ки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, Олий Мажлис палаталари-нинг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли орган-лардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, Сенат аъзолари жойларда бюджет маб-лағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари томони-дан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракциялар-да, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарида муҳокама қилинганидан кейин Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилади ҳамда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан тасдиқланади»;

3) куйидаги мазмундаги **10<sup>3</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«10<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш**

Сенат зарур бўлган тақдирда ўз мажлисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда, ҳам бевосита, ҳам видеоконференцалоқа режимида эшитади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан эшитувни ташкил этиш бўйича чоралар кўрилиши учун ушбу вазирликни олдиндан хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, унда ушбу раҳбарларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори ўз ҳисоботи эшитилган шахсга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади»;

4) **24<sup>1</sup>-модданинг учинчи хатбошисидаги «Қонунчилик палатасига»** деган сўзлар «Олий Мажлис палаталарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлда қабул қилинган «**Шахсга доир маълумотлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–547-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 385-модда) куйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«27<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартлари**

Мулқдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар

базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаши шарт».

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг 30-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар юзасидан»;

2) **9-модда биринчи қисмининг 10-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича»;

3) **10-модда биринчи қисмининг 10<sup>2</sup>-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10<sup>2</sup>) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан»;

4) **20-модда учинчи қисмининг русча матнидаги** «государственной нотариальной конторой» деган сўзлар «нотариусом» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **илованинг 7-банди «б» кичик банди тўртинчи хатбошисининг русча матнидаги** «и субъектов семейного предпринимательства без образования юридического лица» деган сўзлар «субъектов семейного предпринимательства без образования юридического лица и объединений юридических лиц» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**16-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 1-банди, 6-банди иккинчи хатбошиси ва 8-банди ҳамда 13-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 14 январь,  
ЎРҚ-666-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### **7 Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 7 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 майда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6,

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 январда эълон қилинган.



153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда) қуйидаги мазмундаги **229<sup>5</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«229<sup>5</sup>-модда. Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш**

Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз баравари-

гача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракатлар кўпчилик учун хавfli бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда) **345-моддасининг иккинчи қисми** «229<sup>4</sup>» рақамидан кейин «229<sup>5</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-мод-

да; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674-676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **200<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«200<sup>2</sup>-модда. Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш**

Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга, уларга кўп бўлмаган миқдорда зарар етказилишига олиб келса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўп бўлмаган миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади»;

2) **241<sup>II</sup>-модда** чиқариб ташлансин;

3) **245-модданинг биринчи қисми:**

«200<sup>1</sup>» рақамидан кейин «200<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин;  
«241<sup>10</sup> ва 241<sup>11</sup>-моддаларида» деган сўзлар «ва 241<sup>10</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **245<sup>8</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «241<sup>11</sup>» рақами «241<sup>10</sup>» рақами билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 14 январь,  
ЎРҚ-667-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **8 Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизими- ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида\***

Сўнгги йилларда мамлакатда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд ишлари юритилишини такомиллаштириш, фуқаролар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда судьялар, суд аппарати ва судьялар ҳамжамияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 70 фоизидан кўпроғи Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб келинмоқда. Ушбу тартиб судьялар чинакам мустақиллигини таъминлаш борасидаги халқаро стандартларга мос келмайди ва замонавий талабларга мувофиқ суд тизимининг мустаҳкам моддий-техник базасини шакллантиришга имкон бермайди.

Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва судьяларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6034-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суди, қуйи судлар судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг иш ҳақлари ва қўшимча тўловлари тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда, қуйидаги тўловлар 2021 йил 1 октябрга қадар Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади:

судлар, Судьялар олий кенгаши судьялари ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департамен-

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

ти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг кўп йиллик хизматлари учун устамалар;

Олий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг малака даражаси ва мансаб даражаси учун қўшимча ҳақ.

2. Судьялар, суд аппарати ходимлари, Судьялар олий кенгаши, шунингдек, Судьялар олий мактаби, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 1 — 7-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Молия вазирлиги:

Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилга мўлжалланган параметрларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган тегишли ўзгартиришларни киритсин;

Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан биргаликда тегишли судларнинг харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадваллари тасдиқланишини ва рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 8-иловага\* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

5. Олий суд, Судьялар олий кенгаши бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 январь,  
ПФ-6134-сон

---

\* 1 — 8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**9 Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар меҳнатини янада рағбатлантириш, бўш иш ўринларини тўлдириш ҳамда жойларда малакали кадрларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармонида мувофиқ, олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига (кейинги ўринларда — бюджет ташкилоти) бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга (кейинги ўринларда — олий маълумотли мутахассислар) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармонида мувофиқ, тиббий олий таълим ташкилотини охирги 3 йил ичида тамомлаган ва бошқа ҳудудда яшовчи тиббиёт ходими (кейинги ўринларда — тиббиёт ходими) олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга (кейинги ўринларда — тиббиёт муассасаси) ишга қабул қилинганда уларга камида 3 йил ишлаб бериш шarti билан 30 миллион сўм миқдорида бир марталик бошланғич ёрдам пули, уй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилиши ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорда олис ва чекка ҳудуд деганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таъ-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 январда эълон қилинган.

лим муассасаларида бошқа худудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланадиган худудлар тушунилади;

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайди ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси ҳамда уй-жой шароитини яхшилаш бўйича имтиёзлардан олий таълим муассасасининг бакалавриати ёки магистратурасини (таълим шаклидан қатъи назар — кундузги, сиртки, кечки, шунингдек, иккинчи мутахассислик) тамомлаганидан кейин уч йил мобайнида олис ва чекка худудларда жойлашган бюджет ташкилотлари, шу жумладан тиббиёт муассасаларига ишга кирган битирувчилар фойдаланиш ҳуқуқига эга;

ҳар ойлик пул компенсацияси олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими ишга қабул қилинган ойдан бошлаб 36 ой мобайнида тўланади, бунда ходим ушбу худудда шахсий уй-жойга эга бўлганда, унга хизмат турар жойи берилганда ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими ҳар ойлик пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарига ариза беради. Бунда, уй-жой ижараси учун ҳақиқатда тўланаётган тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлган тақдирда, ҳар ойлик пул компенсацияси миқдори ҳақиқатда тўланаётган тўлов миқдорига мувофиқ камайтирилади, қолган барча ҳолатларда ҳар ойлик пул компенсацияси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида тўланади;

ҳар ойлик пул компенсацияси унинг миқдорини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тайинланади ҳамда ушбу ташкилот бухгалтерияси томонидан иш ҳақи билан биргаликда тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги «Навой вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2925-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарори билан тасдиқланган Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ходимларга уй-жойларни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади;



олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими тегишлилиги бўйича олис ва чекка ҳудудда жойлашган бир бюджет ташкилотидан ва (ёки) тиббиёт муассасасидан бошқа бюджет ташкилотига ва (ёки) тиббиёт муассасасига ўтказилганида, ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш белгиланган муддат тугагунга қадар давом эттирилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими тегишлилиги бўйича олис ва чекка ҳудудда жойлашган бюджет ташкилоти ва (ёки) тиббиёт муассасасидаги фаолиятини 36 ойгача бўлган муддат ичида тўхтатган тақдирда, бошланғич ёрдам пули тўлиқ ҳажмда бюджетга қайтарилади, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимининг бюджет ташкилоти ва (ёки) тиббиёт муассасасидаги фаолиятини унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (ходимнинг вафоти, ногиронлиги бўлган шахс деб топилиши, бюджет ташкилотининг фаолияти тўхтатилиши ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 106-моддасида белгиланган ҳолатлар) тўхта-тиши бундан мустасно.

3. Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бошланғич ёрдам пули тўлаш схемаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил 1 мартдан бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинсин. Бунда:

бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз махсус устамалар тўлансин.

5. Белгилансинки:

таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудда камида бир йил ишлаган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагоглар жалб қилинади;

таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланади ва жорий йилда 15 февралгача, келгуси йилларда эса ҳар йили 1 сентябрга қадар Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар улар борган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилган йилдан кейинги йил учун ҳам тўланади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси тегишли бюд-

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жет ташкилотининг худудий молия органига берган сўровига асосан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси учун талаб қилинадиган маблағлар тегишли бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида назарда тутилади. Бунда, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимининг ишга қабул қилиниши жорий молия йилида рўй берган ҳолатда, бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонларига «Олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар» мезони киритилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бўлган эҳтиёж бўйича бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин;

жойларда олий таълим муассасалари битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиб, уларни чекка ҳудудларда жойлашган, олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлган бюджет ташкилотларига ишга жалб этиш, шунингдек, ёш мутахассисларга фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассисларга ва (ёки) тиббиёт ходимларига тегишли ҳудудлардаги захира ерларларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкалари ажратилишини назоратга олсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага\* мувофиқ қўшимча киритилсин.

10. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсациясини солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайдиган даромадлар этиб белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, ижрочиларга етказиш ва белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини ташкил қилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 январь,  
ПҚ-4940-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**10 Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир ҳудудда сабзавот, картошка, дуккакли ва мойли экинларни яхлит майдонларга жойлаштириш ҳамда плантация усулида интенсив ва мевали боғ ҳамда токзорлар барпо этиш орқали маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида 2021-2022 йиллар ҳосилидан қисқартириладиган ғалла майдонларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларини 2021-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 январда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ҳамда сабзавот, картошка, дуккакли ва мойли экинларга ихтисослаштириш кўрсаткичлари 2 ва 3-иловаларга\* мувофиқ;

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида 2021-2022 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш прогноз кўрсаткичлари 4-иловага\* мувофиқ;

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида 2021-2022 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган қайта ишлаш ташкилотлари, музлаткичли омборхона ва иссиқхона лойиҳаларининг манзилли рўйхати 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021-2022 йилларда фермер хўжалиklarининг қисқартириладиган ғалла майдонларини белгиланган тартибда мақбуллаштириш;

мақбуллаштириш жараёнида туманлар ҳокимликлари захирасига қайтарилган ер участкалари тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган қишлоқ хўжалиги кластерларига, экспорт қилувчи ва қайта ишловчи ташкилотларга, кўп тармоқли фермер хўжалиklarига ва янги ташкил этиладиган кооперацияларга белгиланган тартибда ажратилишини таъминлаш;

мавжуд ер майдонлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш учун экинларни яхлит майдонларга плантация усулида жойлаштириш ҳамда белгиланган экспортбоп экинларнинг экилишини таъминлаш;

қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини уч бараварга ошириш учун қайта ишлаш ташкилотлари, музлаткичли омборхоналар ва логистика марказларини 2021-2022 йиллар давомида тўлиқ ишга тушириш ҳамда ишлашини таъминлаш;

хар бир туманда уруғлик ва кўчатлар билан таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб, сабзавот экинлари ва картошка уруғчилигига ҳамда мевали дарахт ва ток кўчатлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиklarини ташкил этиш;

яроқсиз деб топилган, иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли бoғ ва токзорлар ўрнида интенсив бoғ ва токзорлар барпо қилиш ёки экспортбoғ ва сердаромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш чораларини кўрсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) билан биргаликда Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини янада ривожлантириш, ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида туманлардаги қишлоқ хўжалиги бўлимларининг вазифаларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида

---

\* 2 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сертификатланган сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар уруғларини ҳамда мевали дарахт ва ток кўчатларини етиштирувчи фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан тўланадиган ер солиғи уч йил муддатга 50 фоизга камайтирилади;

2021 йил 1 февралдан сертификатланган сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар уруғларини ҳамда мевали дарахт ва ток кўчатларини етиштирувчи фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, шунингдек, кластерлар ва кооперацияларнинг уруғлик ва кўчат харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми, шунингдек, хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан копланеди.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) қуйидаги чораларни кўрсин:

а) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Хаитов) ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) билан биргаликда:

ихтисослаштирилаётган ҳудудларда яхлитликка жиддий эътибор қаратган ҳолда 2-3 турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини босқичма-босқич плантация усулида жойлаштириш;

хар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги, сув билан таъминланганлигини ҳисобга олиб ҳамда қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экиш;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) ва Ташқи ишлар вазирлиги (Ф. Арзиев) билан биргаликда Янгиқўрғон туманида органик маҳсулотлар етиштириш учун хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда фермер хўжаликлари ва кооперациялар раҳбарларини ўқитиш ишларини ташкил этиш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) билан биргаликда аҳоли ишсизлигини камайтириш учун Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари ҳокимликлари тасарруфида захирадаги яхлит 300 — 500 гектар майдонларда плантация усулида замонавий технологиялар асосида интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиб, лизинг асосида етти йил муддатга аҳолига бериш тадбирларини амалга оширсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Қудратов) тижорат банклари билан биргаликда Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари кредитлари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

8. Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Қудратов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) билан биргаликда Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида замонавий технологиялар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича йирик кластер корхоналарини ташкил этиш учун хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш чораларини кўрсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) икки ой муддатда ман-фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Адлия вазирлиги мазкур қарорнинг ижросиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ганиев белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 январь,  
ПҚ-4941-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**11 Тошкент шаҳрида «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

«Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг таълим дастурлари асосида чуқур фундаментал ва илмий-амалий тайёргарликка эга юқори малакали кадрларни тайёрлаш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ шарқ тиллари филологияси, мамлакатшунослик ва хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, биотиббидиёт, аниқ фанлар каби йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантириш;

ўқув жараёнига масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

фундаментал, амалий илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илм-фан ва таълимнинг сифатини ошириш, уларнинг узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлаш, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мақсадли интеграциялашув орқали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес-ҳамжамиятлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 январда эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки, Филиал:

Университетнинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

кадрларга бўлган эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда олий таълимнинг сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мос таълим дастурлари асосида барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

таълим жараёнини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлари асосида рус тилида, кейинчалик бошқа тилларда ҳам олиб боради;

кадрлар тайёрлашни кундузги, кейинчалик сиртқи ва бошқа таълим шаклида олиб боради;

таълим фаолиятини 2021/2022 ўқув йилидан бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширади;

битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломини беради;

фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет:

Филиал таълим жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этади;

хорижий ва маҳаллий профессор-ўқитувчиларни Филиалда дарс беришга ва илмий фаолиятга жалб этади;

Филиал профессор-ўқитувчиларини маҳаллий ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари, илмий тадқиқот марказлари ва етакчи корхоналарида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тизимли равишда ташкил этади;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга қўмаклашади;

Филиалнинг зарур ўқув, лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини таъминлайди.

5. «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси Тошкент шаҳридаги филиалининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Филиалга ўқишга қабул қилинган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ошмаган ҳолда давлат гранти асосида талабаларни ўқитиш учун Олий



ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки:

Филиалга қабул параметрлари манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олиб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда Филиал томонидан тасдиқланади;

Филиалга талабаларни ўқишга қабул қилиш давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Бунда, давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари уч йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш шарти билан Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотларига тақсимланади;

Филиалда ўқитишнинг тўлов-контракт миқдори Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда Филиал томонидан белгиланади;

Филиалга Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари ва меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиалнинг дарс жараёнида фойдаланиладиган махсус ускуналар ва дастурлар билан ишлаш кўникмасига эга, юқори малакали ходимлари учун Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилади;

2021 йилда Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ажратилади ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Филиал Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Бунда, Филиалга ажратилган бино, иншоотлар ва ҳудудларни сақлаш

билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан коммунал тўловлар Филиал маблағлари ҳисобидан қопланади.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов) Университет билан ҳамкорликда:

а) икки ой муддатда:

Филиалнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Филиалнинг штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар Филиални танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев) Филиалнинг таълим дастурлари ва илмий тадқиқотларида даволаш-профилактика муассасалари, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, фармацевтика эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари ва «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий ва ишлаб чиқариш фармацевтика кластери резидентларининг иштирокини таъминласин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан мазкур қарорнинг 8-бандида кўрсатилган бино ва иншоотларни реконструкция қилишни 2022 йил ҳамда кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

12. Филиалга иккита енгил автотранспорт, шу жумладан битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

13. 2024 йил 1 январга қадар Филиални реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарлар, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул

идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 январь,  
ПҚ-4942-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 12 январдаги  
ПҚ-4942-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат  
бюджети олий таълим муассасаси Тошкент шаҳридаги  
филиалининг бакалавриат таълим йўналишлари ва  
магистратура мутахассисликлари  
РЎЙХАТИ**

1. Филология (шарқ тиллари бўйича);
2. Мамлакатшунослик ва хорижий мамлакатлар иқтисодиёти (шарқ мамлакатлари бўйича);
3. Биотиббӣёт (кимё, биология, физика, психология ва бошқалар).

*Изоҳ: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатига буюртмачи ташиклотлар эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Санкт-Петербург давлат университети» Федерал давлат бюджетининг олий таълим муассасаси билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**12** **2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, унинг ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибини такомиллаштириш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар, ушбу мақсадларда мавжуд ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш коронавирус пандемияси муносабати билан жорий этилган чекловларнинг оқибатларини юмшатиш имконини берди.

2021 йилда республика экспорт салоҳиятини тиклаш ва янада кенгайтириш мақсадида:

1. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида жойлаштирган ҳолда доимий фаолият юритувчи ҳудудий экспорт штабларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ҳукумат комиссияси ўн кун муддатда «ишлаб чиқаришдан то хорижий истеъмолчигача» тамойили бўйича экспортчи ташкилотларга кўмаклашишда алоқадор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг «горизонтал ва вертикал ўзаро ҳамкорликда ишлаш» механизмини назарда тутган ҳолда ҳудудий экспорт штабларининг тўлақонли фаолият юритишини таъминласин.

2. 2021 йилда Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан экспортчи ташкилотларга хомашё сотиб олиш ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун 100 миллион АҚШ доллари ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 февралдан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан экспортчи ташкилотларга экспорттолди молиялаштириш ажратилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, 2021 йил 1 апрелдан маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама кампанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг 50 фоизи Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 январда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама кампанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқласин.

7. Ҳукумат комиссиясига Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операциялари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 июндаги 464-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ташқи савдо шартномалари юзасидан дебитор ва кредитор қарздорлигини камайтириш бўйича доимий фаолият юритувчи республика ишчи гуруҳининг вазифа ва ваколатлари юклатилсин.

Ҳукумат комиссияси валюта назорати органлари билан биргаликда бир ой муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимидан умидсиз қарздорликларни ҳисобдан ечиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Қўйидагиларга:

Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига — барқарор ўсишни таъминлаш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ташқи бозорларга узлуксиз етказиб берилишини ташкил қилиш, экспортчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ташкил этилган тизимнинг самарали фаолият юритиши;

Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига — экспортни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида бюджетдан молиялаштириш, экспортчи ташкилотларга қонунчиликка мувофиқ солиқ имтиёзлари, преференциялар ва субсидиялар бериш;

энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига — экспортчи ташкилотларни шартнома мажбуриятларига мувофиқ электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига — қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқаришнинг самарали тизими яратилишини таъминлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспортни кенгайтириш, республика ҳудудларида тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга йирик агросаноат кластерларини барпо этиш, рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий интенсив боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш;

транспорт вазири вазифасини бажарувчи И.Р. Маҳкамов зиммасига — экспортчи ташкилотларни ҳаракатланувчи таркиб билан узлуксиз таъминлаш, авиа парки ва темир йўл ҳаракатланувчи таркибини кенгайтириш, шунингдек, қўшни давлатлар ҳудуди орқали экспорт ва транзит юкларининг эркин ҳаракатланишини ташкил қилиш ҳамда экспорт ва транзит юк ташувлари соҳасида тариф сиёсатини оптималлаштириш;

ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Н. Арзиев зиммаси-

га — Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарининг маҳаллий экспортчи ташкилотларга хорижий ҳамкорларни топиш ҳамда экспорт шартномаларининг имзоланишини таъминлаш бўйича фаолиятини ва дипломатик қўллаб-қувватлашнинг бошқа чора-тадбирларини мувофиқлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — мева-сабзавот ва саноат маҳсулотларининг экспортчи ташкилотларига ишлаб чиқариш омиллари ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашда қўмаклашиш бўйича шахсий масъулият юклансин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 14 январь,  
ПҚ-4949-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**13** **Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизминини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш даражасини ошириш ва фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъ-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 январда эълон қилинган.

минлаш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини ташкил этиш ҳолатини ўрганиш, баҳолаш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бар-тараф этиш бўйича самарали механизмларни яратиш лозим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳудудларда ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш борасидаги масъулиятини кучайтириш, тегишли халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрнини янада яхшилаш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Олий Мажлис Сенати, Адлия вазирлиги ва Олий суднинг республика ҳудудларида ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини рейтинг асосида баҳоловчи Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини (кейинги ўринларда — Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси қуйидаги йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичлар ва ўтказиладиган ижтимоий сўровлар натижалари асосида аниқланади:

қонун ҳужжатларига риоя қилиниши;  
фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши;  
одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши;  
ҳуқуқ-тартибот ўрнатилганлиги ва хавфсизликнинг таъминланганлиги;  
маҳаллий ижро органлари фаолиятининг самарали назорат қилиниши;  
коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги;  
ҳокимият институтларининг шаффофлиги.

2. Қуйидагилар:

Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини акс эттирувчи индикаторлар 1-иловага\* мувофиқ;

Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш «Ниқуқ устуворлиги» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим) орқали қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Тизимга тегишли статистик маълумотлар ҳар йили 1 февралга қадар киритиб борилади;

б) Адлия вазирлиги томонидан:

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда тегишли мезонлар бўйича ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Тизим орқали аҳоли ва соҳа мутахассислари ўртасида ҳуқуқ устуворлиги таъминланганлик ҳолатига оид ижтимоий сўровлар ҳар йили 1 мартга қадар ўтказилади;

Тизимга киритилган маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ўтган ҳисобот йили учун Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси ҳар йили 1 майга қадар тузилади;

Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборот

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига ҳар йили 15 майга қадар киритиб борилади ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши таъминланади;

в) Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси натижалари бўйича ахборот Олий Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳар йили 15 июнга қадар муҳокама қилиб борилади.

Адлия вазирлигига Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш доирасида ижтимоий сўровларни ўтказиш учун аутсорсинг асосида бошқа ташкилотларнинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

#### 4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Адлия вазирлиги Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашда иштирок этувчи масъул идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Тизим оператори вазифасини бажаради;

Адлия вазирлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексидан паст натижаларга эга бўлган субъектларни аниқлайди, тегишли индикаторлар бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилади ва уларнинг сабабларини ўрганади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўради.

Тизимни ишлаб чиқиш, ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари ва халқаро ташкилотларнинг грант маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) Олий суд (К.Ф. Камиллов), «Ижтимоий фикр» маркази (Н.Ҳ. Раҳимова) ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш бўйича аҳоли ва соҳа мутахассислари ўртасида Тизим орқали ўтказиладиган ижтимоий сўровларни ўтказиш дастури ва баҳолаш мезонларини ҳисоблаш методологияси тасдиқланишини таъминласин;

б) 2021 йил 1 майга қадар Тизимнинг ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин;

в) масъул идора ва ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар 2020 йил учун Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш ишларини якунласин ва натижаларини эълон қилсин;



г) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Олий Мажлис палаталарига Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

6. Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ҳамда бошқа масъул идора ва ташкилотлар раҳбарлари:

Тизимга маълумотларнинг ўз вақтида киритилишига, шунингдек статистик маълумотларнинг ҳаққонийлигига;

Адлия вазирлигининг мурожаатига асосан сўровларда иштирок этувчи потенциал респондентларни жалб қилиш ҳамда тегишли маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишида амалий ёрдам кўрсатишга шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ҳамда бошқа масъул идора ва ташкилотлар икки ой муддатда ўзларининг идоравий статистик ҳисоботларининг тизимга киритиладиган статистик маълумотлар билан мослаштирилишини ва янгиланган ҳисобот шакллари-нинг 2020 йил якунлари бўйича ҳам шакллантирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон қарори иловасининг 5-позицияси «Масъул тадқиқот институтлари» устундаги «Тошкент давлат юридик университети» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ. Давлетов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 14 январь,  
ПҚ-4951-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**14 Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юқори иқтидорга эга бўлган ёшларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстерлар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, тренерлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон шахмат мактабини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар ташаббуси билан 2019 йил 2 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг шахматни ривожлантириш бўйича махсус резолюцияси қабул қилинганлиги ва ушбу резолюцияга мувофиқ 20 июль Бутунжаҳон шахмат куни этиб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистонда шахматни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

«Мактабда шахмат» лойиҳасини амалга ошириш, унинг доирасида умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфлар ўқувчилари учун шахматга ўқитиш тизимини янада ривожлантириш орқали қамровни йилма-йил ошириб бориш, ўқувчилар ва мактаблар ўртасида турнирлар ўтказиш;

болалар ва ўсмирларнинг шахмат билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, уни оммавийлаштириш, бу борада таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда шахмат бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш;

юқори иқтидорга эга бўлган ёш шахматчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизимини тубдан такомиллаштириш, уларни босқичма-босқич тайёргарликдан ўтказиб бориш орқали профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстер бўлиб етишишини таъминлаш, шунингдек, имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш;

шахмат инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилиш;

шахмат соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш;

шахмат бўйича республика ҳамда халқаро мусобақалар ва олимпиадалар голиблари, халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 январда эълон қилинган.

халқаро унвонларга эга бўлган тренерлар ва ҳакамлар унвонларини қўлга киритган шахматчиларни пул мукофотлари билан тақдирлаш;

шахматни интеллектуал спорт тури сифатида кенг ёритиш ҳамда тартиб қилиш ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг халқаро шахмат мусобақаларида иштирок этишини таъминлаш.

### 3. Қўйидагилар:

Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури 1-иловага\* мувофиқ;

Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ;

Шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва шахматни оммалаштириш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «Йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

4. Белгилансинки, Шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари), шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутди:

2025 йилга қадар шахмат билан мунтазам шуғулланувчилар сонини 3 фоизга етказиш;

қўшимча устувор спорт тури сифатида шахмат ривожлантириладиган бўлган республика туман (шаҳар)лари сонини 40 тага етказиш;

келгуси 5 йил ичида давлат-хусусий шериклик асосида 25 та шахмат мактаблари ва клублари фаолиятини йўлга қўйиш;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларида фаолият кўрсатаётган шахмат бўлимлари ва секциялари сонини 20 фоизга ошириш, шунингдек, уларда шахмат билан шуғулланаётган болалар қамровини 10 500 га етказиш;

мамлакатимизнинг Халқаро шахмат федерациясидаги (ФИДЕ) рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш ва 2025 йилда биринчи 10 таликка киришига эришиш.

5. Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ–3906-сон қарори билан 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш амалиётини кенгайтириш ва шу муносабат билан яна қўшимча 150 та мактабни (шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) 10 тадан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 15 тадан мактаб) шахматга ихтисослаштириш,

---

\* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шунингдек, уларнинг ўқувчиларини чуқурлаштирилган ҳолда шахматга ўқитиш;

4-иловага\* мувофиқ танлов асосида 1 000 та умумий ўрта таълим мактабида 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини «Жисмоний тарбия» фани доирасида 18 соатлик режа асосида шахматга ўқитишни йўлга қўйиш ҳамда уларга методик ёрдам кўрсатиш;

қолган барча умумий ўрта таълим мактаблари 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини «Жисмоний тарбия» фани доирасида шахматга ўқитиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилига қадар 1 000 та умумий ўрта таълим мактабининг 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини шахматга ўргатиш учун 18 соатлик ўқув режасини ишлаб чиқсин ва ушбу мактабларни ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар билан таъминласин ҳамда ушбу мақсадларга вазирликка республика бюджетидан 2021 йил учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 10 миллиард сўмгача маблағларни йўналтирсин.

6. Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар:

мазкур қарорнинг 5-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган умумий ўрта таълим мактаблари 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини «Жисмоний тарбия» фани доирасида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, уларни ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

шахматга ихтисослаштирилаётган қўшимча 150 та умумий ўрта таълим мактаблари рўйхатини тасдиқласин, шунингдек, уларнинг ўқувчиларини чуқурлаштирилган ҳолда шахматга ўқитиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилига қадар Халқ таълими вазирлигига республика бюджетидан 2021 йил учун ажратилган маблағлар ҳисобидан:

шахматга ихтисослаштирилаётган қўшимча 150 та умумий ўрта таълим мактабини ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш учун 7,5 миллиард сўмгача маблағларни йўналтирсин;

қолган барча умумий ўрта таълим мактаблари (мазкур қарорнинг 5-банди бешинчи хатбошисида кўрсатилган мактаблар бундан мустасно) 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини «Жисмоний тарбия» фани доирасида шахматга умумий ўқитиш ва зарур анжомлар билан таъминлаш учун 20 миллиард сўмгача маблағларни йўналтирсин.

7. Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда:

2021 йил 1 мартдан бошлаб умумий ўрта таълим мактаби «Жисмоний

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тарбия» фани ўқитувчилари (ўқитувчи-тренерлар)нинг шахмат бўйича малакасини ошириш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили бир ой давомида умумий ўрта таълим мактабларида шахмат бўйича вилоят, республика ва халқаро мусобақалар ғолиблари, халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро унвонларга эга бўлган тренерлар ва ҳакамларни жалб қилган ҳолда «Шахмат ойлигини» ташкил этсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича жамоавий «Шохрух» турнирини ташкил этсин ва ўтказсин;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ва «Жисмоний тарбия» фани ўқитувчилари ўртасида ҳар йили шахмат бўйича республика биринчилигини ўтказсин.

8. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

таълим ва бошқа муассасалар ўқитувчилари ҳамда қизиқиш билдирган шахсларни шахмат бўйича тўлов-шартнома асосида қисқа муддатли курсларда қайта тайёрлаш ва малакасини доимий равишда ошириб бориш тизимини жорий қилсин, тегишли ўқув дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан маҳалла ва ташкилотларда шахмат бўйича турли мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки, 2021 йил бошлаб ҳар йили:

июнь — август ойлари давомида маҳалла болалари ўртасида «Маҳалла кубоги» шахмат мусобақалари ташкил этилади;

май — июль ойлари давомида маҳалла оилалари ўртасида «Шахматчи оила» турнири ўтказилади, маҳалладаги оилаларнинг жамоавий тарзда иштирок этиши таъминланади;

икки маротаба вазирлик, идора ва ташкилотларда ходимлар ўртасида «Шахмат кунлари» ўтказилади.

10. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2021 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро шахмат турнири, Ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер Г.Т. Агзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир, шунингдек, шахмат бўйича XVII Жаҳон чемпиони Р.М. Қосимжонов халқаро турнирини;

Самарқанд шаҳрида «Соҳибқирон кубоги» халқаро шахмат турнирини;

Хива шаҳрида «Ал-Беруний» халқаро шахмат турнирини;

Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларида «Туризм ва шахмат ҳафталиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон шахмат федерацияси ва Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг:

шахмат мактаблари ва клублари фаолиятига кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон шахмат клублари ассоциациясини ташкил этиш;

жисмоний имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси таркибида шахмат бўйича алоҳида бўлинмани ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

Адлия вазирлиги бир ой муддатда ташкил қилинаётган ассоциацияни давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясига бир ой муддатда шахмат бўйича бўлинмани малакали мутахассислар билан тўлдириш, зарур анжомлар ва воситалар билан жиҳозлаш бўйича чоралар кўриш тавсия қилинсин.

12. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалида шахмат бўйича таълим йўналиши очилади;

бошқа олий таълим муассасаларида шахмат йўналишига зарур эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон шахмат федерациясининг тавсиясига асосан алоҳида қабул квоталари белгиланади;

педагог ходимлар ўртасида шахмат бўйича «Энг яхши инновацион ўқув методик қўлланма» танлови ташкил этилади, қўлланмани оммалаштириш ва жойларга етказиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси мазкур бандда назарда тутилган вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли таъминласин.

13. Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2019 йил 16 февралдаги навбатдан ташқари ҳисобот-сайлов конференцияси қарори билан Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби негизда Халқаро шахмат академияси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

14. Белгилансинки, Халқаро шахмат академияси:

Ўзбекистонда шахмат спорт тури бўйича ўқув-методик ва тайёрловнинг асосий базаси ҳисобланади;

шахмат спорт тури бўйича ўқув-методик қўлланмалар ва дарсликларни ишлаб чиқувчи ва марказлашган ҳолда тарқатувчи муассаса ҳисобланади;

фаолияти Давлат бюджети, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

директори, директор ўринбосарлари, инструктор-методистлари, тренерлари ва ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 275-сон қаро-рига мувофиқ;

директори, директор ўринбосарлари, инструктор-методистлари, тренерлари ва тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбат-

лантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 211-сон қарорига мувофиқ;

тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

мустақил равишда хўжалик ва молиявий фаолияти масалаларини ҳал қилади;

директори ва директор ўринбосарлари Ўзбекистон шахмат федерациясининг тақдимномасига асосан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

15. Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин: Ўзбекистон шахмат федерациясига аъзолик бадаллари;

махаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

хомийлар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларидан шу жумладан:

Халқаро шахмат академияси, болалар-ўсмирлар шахмат мактаблари, Ўзбекистон шахмат федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

шахматни оммавийлаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида шахматчилар, тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этишга қўмаклашиш мақсадлари учун фойдаланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон шахмат федерациясига Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш, маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

16. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг шахмат бўйича мусобақалар ва турнирларни онлайн ўтказиш платформаси ([www.uzchess.uz](http://www.uzchess.uz)), шунингдек, таҳсил олаётган ўқувчилар ва талабалар ҳамда ўқитувчилар, тренерлар ва мутахассисларнинг ягона электрон базасини яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

платформа ва электрон базани ишлаб чиқиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Ўзбекистон шахмат федерациясига юклатилади;

платформа ва электрон база 2021 йил 1 майга қадар Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади;

платформа орқали шахмат бўйича мусобақалар ва турнирлар онлайн тарзда ўтказилади, уларнинг ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланади;

платформа орқали ўтказиладиган шахмат бўйича мусобақалар ва турнирлар ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

17. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

шахмат бўйича республика ҳамда халқаро мусобақалар ва олимпиадалар ғолиблари, халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро унвонларга эга бўлган тренерлар ва ҳакамлар унвонларини қўлга киритган шахматчиларни пул мукофотлари билан тақдирлаш;

мамлакатимизда ташкил этиладиган маҳаллий ва халқаро мусобақаларда иштирок этадиган маҳаллий ҳакамлар ҳамда халқаро семинар маърузачилари учун тўланадиган кунлик тўловларни халқаро стандартларга ва тоифаларга мослаштириш.

18. Қуйидагилар:

Қўшимча устувор спорт тури сифатида шахмат ривожланиши лозим бўлган республика туман (шаҳар)лари рўйхати 5-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2022 — 2024 йилларда болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини ташкил қилиш режаси 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, қўшимча устувор спорт тури сифатида шахмат ривожлантириладиган туман (шаҳар)ларда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари, ўқитувчи-тренерлар, маҳалла аҳолиси ўртасида шахмат бўйича доимий равишда мусобақалар ва шахмат ҳафталиклари ўтказиб борилади ва ушбу тадбирлар маҳаллий бюджет ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини қуриш ишлари учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қури-

---

\* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



лиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

19. Қўйидагилар:

Ўзбекистонда шахматни жадал ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) таркиби 7-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шахматни жадал ривожлантириш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ҳудудий ишчи гуруҳлар)нинг намунавий таркиби 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгаши (А.А. Абдуҳакимов):

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шахматни 2021 йилда ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш бўйича манзилли ҳудудий дастурларни тасдиқласин, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин;

ҳудудий ишчи гуруҳлар ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирсин, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

шахматни ривожлантириш ва оммавийлаштириш, шу жумладан, платформа орқали ўтказиладиган шахмат бўйича мусобақалар ва турнирлар ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш мақсадида маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилсин.

20. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканалда шахмат бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақалар, шахматчиларимиз томонидан эришилган ютуқлар, шунингдек, шахматни интеллектуал спорт тури сифатида кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам ташкиллаштириб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш ишларини доимий равишда ташкиллаштириб борсин.

22. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Республика кенгаши (А.А. Абдуҳакимов) ўн кун муддатда масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда мажлис ўтказиб, мазкур қарорга

---

\* 7-8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ахборот берсин, шунингдек, ҳар чоракда ижросини муҳокама қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

б) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Х. Набиев):

мазкур қарор ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишнинг пировард мақсадига эришилишини таъминласин;

Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда бир йилга мўлжалланган медиа-режани тасдиқласин ҳамда шахматни тарғиб қилишга қаратилган мавзули ва кўчма дастурлар, ток-шоулар, интервьюлар ва роликлар намоёиш этилишини ташкиллаштирсин;

ҳар чоракда мазкур қарор бажарилиши ҳолати, мавжуд муаммолар, мақсадли кўрсаткичларда белгиланган натижаларга эришиш ҳолати тўғрисида Республика кенгашига ҳисобот бериб борсин;

в) «Йўл харитаси»нинг бажарилишига ва баҳолаш мезонларида назарда тутилган кўрсаткичларга эришишга масъул вазирлик ҳамда идоралар зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, «Йўл харитаси»ни ижро этиш ҳолати тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ахборот тақдим этсин;

г) Ўзбекистон шахмат федерацияси ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига мазкур қарорни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга доимий равишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

23. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3906-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 14 январь,  
ПҚ–4954-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУҒИ****15 «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 166-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон «Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирувчи давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 16 октябрдаги 67-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2624, 2014 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 46-сон, 553-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 4 декабрь,  
55-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2020 йил 4 декабрдаги  
55-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

а) номидаги «ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида» деган сўзлар «ҳисобот шаклини тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 2-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Давлат мақсадли жамғармаси бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар давлат мақсадли жамғармаси бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни иловага мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

давлат мақсадли жамғармаси бюджети ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда;

давлат мақсадли жамғармаси бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда тақдим этадилар.»;

в) 3-банддаги «бюджетларининг ижросининг асосий кўрсаткичлари» деган сўзлар «фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. 2 — 6, 8 — 13, 15 — 20-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**16** **Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 июлдаги ЎРҚ–629-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2020 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ–638-сон «Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 26 октябрдаги ЎРҚ–643-сон «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 июндаги 407-сон «Хуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги 68-сон буйруғи (рўйхат рақами 2240, 2011 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 286-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 декабрь,  
338-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2020 йил  
25 декабрдаги 338-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий  
ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ки-  
ритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 5-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаш-тирилган тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 июндаги 407-сон «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан қўлланилиши мумкин.»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Кодекснинг 54, 123, 125-моддаларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомобилотransпорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинмаси) бошлиғи, автомобилотransпорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автомобилотransпорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва улар учун маъмурий жазо қўлланилади.»

3. 36-бандда:

биринчи хатбошидаги «135, 135<sup>1</sup>-моддаларида» деган сўзлар «135-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 45-банднинг ўн иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

5. Қўйидаги мазмундаги 45<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«45<sup>1</sup>. Қўйидаги ҳолларда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар охириги зарурат ҳолатида содир этилган деб ҳисобланади:

тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан Қоидаларга мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда;

тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигналлар билан яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига уларнинг тўсиксиз ўтиб кетиши учун йўл берган транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар фото ва видео қайд этишнинг махсус автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилганда.

Қоидабузарлик мазкур банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда содир этилганлиги факти тегишли ҳудуддаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходими томонидан аниқланади. Шунингдек, мазкур ҳолатда содир этилган қоидабузарлик юзасидан жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ёки СМС-хабар юборилган тақдирда, транспорт воситаси ҳайдовчиси ушбу қарор чиқарилган кундан бошлаб олтиш кундан кечиктирмай қоидабузарлик содир этилган ҳудуддаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасини ёзма ёки оғзаки шаклда хабардор этиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**17 «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 2-мх-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3094, 2018 йил 3 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2018 й., 10/18/3094/2265-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мактабгача  
таълим вазири**

**А. ШИН**

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 декабрь,  
199-сон

Ўзбекистон Республикаси  
мактабгача таълим вазирининг 2020 йил  
15 декабрдаги 199-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:
- а) номи ва 1-банддаги «муассасасининг» деган сўз «ташкilotининг» деган сўз билан алмаштирилсин;
  - б) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 январда эълон қилинган.



30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. Намунавий низомда:

а) номидаги «муассасасининг» деган сўз «ташкilotининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Намунавий низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгашининг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) мақсади, вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом давлат мактабгача таълим ташкилотларига (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) татбиқ этилади.»;

г) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «муассасани» деган сўз «ташкilotни» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Кенгашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

ташкilotнинг устувор вазифаларини белгилаш;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими (бундан буён матнда ҳудудий бўлим деб юритилади) томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ мактабгача таълим ташкilotи директорини сайлаш;

ташкilotнинг мақсадлари ва вазифаларини ҳамда уларга эришиш режаларини тасдиқлаш;

ташкilotда амалга оширилиши белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши устидан назорат олиб бориш.»;

е) 4 ва 30-бандлардаги «муассасанинг» деган сўз «ташкilotнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

ж) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудий бўлим томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан ташкilot директорини сайлаш, шунингдек уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида таклифлар киритиш;

ташкilotни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ташкilot директорининг ушбу ташкilot фаолиятини такомиллаштириш

юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар, молия-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет маблағларидан, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

ташкilotнинг йиллик молиявий режаларини, кўрсатилаётган пуллик хизматлар нархининг миқдорларини ва ташкilot мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи миқдорини, шу жумладан аукциондаги бошланғич нархни ташкilot директорининг иштирокида танишиб чиқиш ва таклифлар бериш;

ташкilot директорининг ва бошқа ходимларининг фаолиятига тааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказиш;

ташкilotда тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни яхшилаш бўйича ота-оналар, жамоатчилик ташкilotлари ва ҳомийлар билан ҳамкорлик қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;

ташкilotни ривожлантиришга доир устувор йўналишларни белгилаш бўйича таълим ташкilotи директорининг дастур ва режалари юзасидан ҳудудий бўлимга таклифлар киритиш;

ташкilotнинг ходимларини рағбатлантириш бўйича ҳудудий бўлимга таклифлар бериш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин.»;

з) 6 — 8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ташкilotда болаларнинг сифатли таълим олишлари, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкilot директорига кўмаклашиш учун ҳар бир ташкilotда Кенгаш ташкил этилади.

7. Кенгаш 11 кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда тузилади. Бунда, Кенгаш таркибига ташкilotнинг педагоглари орасидан 2 нафар, тарбиячи ёрдамчилари орасидан 2 нафар, ташкilot маъмуриятидан 1 нафар, тегишли ҳудудий бўлимдан 1 нафар, жамоат ташкilotлари ва ҳомийлар орасидан 2 нафар ҳамда ҳар бир гуруҳида тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан камида 3 нафар, аъзо киритилади.

Кенгаш аъзоларининг сони чекланмайди.

8. Кузатув кенгаши ҳар бир гуруҳдаги тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар, педагоглар, тарбиячилар ёрдамчилари, ташкilot маъмурияти, ҳудудий бўлим ходимлари орасидан шакллантирилади.»;

и) 11 ва 13-бандлардаги «муассасада» деган сўз «ташкilotда» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) 12-банддаги «муассаса» деган сўз «ташкilot» деган сўз билан алмаштирилсин;

л) 14-банддаги «Муассаса» ва «муассаса» деган сўзлар тегишлича «Ташкilot» ва «ташкilot» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Кенгаш аъзолигига ҳудудий бўлим вакили тегишли ҳудудий бўлим бошлиғининг буйруғи билан тайинланади.»;

н) 16-банддаги «Муассасанинг раҳбари» деган сўзлар «Ташкилотнинг директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 18 ва 26-бандлардаги «муассаса раҳбари» деган сўзлар «ташкилот директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 25-банддаги «муассаса» ва «бўлим» деган сўзлар тегишлича «ташкилот» ва «бўлим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 29-бандда «Муассаса раҳбари» ва «муассаса» деган сўзлар тегишлича «Ташкилот раҳбари» ва «ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 31-банддаги «бўлимга» деган сўз «бўлимга» деган сўз билан алмаштирилсин;

т) 32-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«32. Кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ташкилотнинг тегишли даврдаги фаолияти бўйича ташкилот директоридан маълумотлар сўраш ва олиш;

ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари билан танишиш;

хомийлик ва хайрия маблағларининг кирим қилиниши ва сарфланиши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш;

ташкилот педагог ходимларининг шаъни, кадр-қиммати, обрўсини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар киритиш.»;

у) 33 ва 34-бандлар қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«33. Кенгашнинг фаолиятига ташкилот директори, ҳудудий бўлим, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

34. Ташкилотда тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналаридан турли хил сабаблар билан ташкилот директори, Кенгаш аъзолари ва бошқа ходимлари томонидан пул маблағларини йиғиш қатъиян тақиқланади.».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Келишилди:*

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

*2020 йил 3 декабрь*

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси**

**К. РАФИКОВ**

*2020 йил 9 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**18** «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 3012, 2018 йил 14 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 10/18/3012/1219-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мактабгача таълим вазири**

**А. ШИН**

Тошкент ш.,  
2020 йил 17 декабрь,  
15-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 9 декабрь,  
138-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Мақтабгача таълим вазирлигининг  
2020 йил 17 декабрдаги 15-сон ва Соғлиқни  
сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги  
138-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг  
хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-банддаги «муассасаларида» деган сўз «ташкilotларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) номидаги «муассасаларида» деган сўз «ташкilotларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат мақтабгача таълим ташкilotларида (бундан буён матнда мақтабгача таълим ташкilotи деб юритилади) тарбияланувчиларнинг хаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мақтабгача таълим ташкilotида болаларнинг хаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш мақтабгача таълим ташкilotининг педагог ва тиббиёт ходимлари, шунингдек мақтабгача таълим ташкilotига ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.»;

г) 2-банддаги «муассасаси раҳбари» деган сўзлар «ташкilotи директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-банддаги «мақтабгача таълим муассасаларига қабул қилишда давлат мақтабгача таълим муассасаси раҳбари» деган сўзлар «мақтабгача таълим ташкilotларига қабул қилишда давлат мақтабгача таълим ташкilotи директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 2 ва 3-бобларнинг номи, 4, 7, 12 ва 20-бандлардаги «муассасасида» деган сўз «ташкilotида» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 5 ва 13-бандлардаги «муассасасининг» деган сўз «ташкilotининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 6-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Тарбияланувчи мактабгача таълим ташкilotида бўлган вақтда соғлиғининг ёмонлашуви, шунингдек бошқа нохуш ҳолатлар кузатилган ҳолларда мактабгача таълим ташкilotи ходимлари томонидан зудлик билан тиббиёт ҳамширасига, шунингдек тарбияланувчининг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга хабар берилади. Бунда тарбияланувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар етиб келгунга қадар тиббиёт ходими томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим.»;

и) 8, 10 ва 16-бандлардаги «муассасаси» деган сўз «ташкilotи» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) 9-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Тарбияланувчилар учун мактабгача таълим ташкilotи ҳудудидан ташқарида сайр ёки экскурсиялар режалаштирилганда мактабгача таълим ташкilotи директори ҳамда тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар хабардор қилиниши шарт.»;

л) 11-банддаги «муассасасига» ва «муассасасидан» деган сўзлар тегишлича «ташкilotига» ва «ташкilotидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 14-банддаги «муассасасининг» ва «муассасасида» деган сўзлар тегишлича «ташкilotининг» ва «ташкilotида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 15-банддаги «муассасаларида» ва «муассасаси» деган сўзлар тегишлича «ташкilotларида» ва «ташкilotи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 17-банддаги «муассасасининг» ва «муассасасига» деган сўзлар тегишлича «ташкilotининг» ва «ташкilotига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.

*Келишилди:*

*Ички ишлар вазири*

*2020 йил 30 ноябрь*

**П. БОБОЖОНОВ**

*Қурилиш вазири*

*2020 йил 23 ноябрь*

**Б. ЗАКИРОВ**

*Фавқулодда  
вазиятлар вазири*

*2020 йил 24 ноябрь*

**Т. ХУДАЙБЕРДИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**19** «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 514-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 августдаги 407-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3049, 2018 йил 7 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 10/18/3049/1628-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 январь,  
289-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**20** Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 9 декабрь,  
26/7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 январда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
9 декабрдаги 26/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси «веб-сайтида» деган сўзлардан кейин «, интернет-банкнинг тизимида ва/ёки мобиль иловасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Банк хизматлари банк ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома, шу жумладан оммавий оферта тарзидаги шартнома асосида кўрсатилади.»;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шартномаларнинг матни давлат тилида тузилади. Истеъмолчи ва банкнинг ўзаро келишувига мувофиқ шартнома матни бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин.».

3. 6<sup>1</sup>-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк хизматлари масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали кўрсатилганда, банк истеъмолчига шартнома тузилишидан олдин мазкур тизим орқали шартнома шартлари билан танишиб чиқиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиб бериши лозим.».

4. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Банк ўзининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга давлат тилида етказиши лозим. Банкнинг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак.».

5. 12-банддаги «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 12<sup>1</sup>-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агарда шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тузилганда, банк истеъмолчига ушбу шартнома тузилган кунда, мазкур тизимлар орқали шартномадан фойдаланиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиши шарт.».

7. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Банк ўзининг расмий веб-сайтида, интернет-банкнинг тизимида ва/ёки мобиль иловасида истеъмолчи учун шахсий кабинет яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши лозим.

Банк истеъмолчига унинг шахсий кабинетида:

кредит шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган маълумотлардан;

омонат (депозит) шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда омонат қолдиғи, омонат бўйича кирим-чиқим операцияларига доир маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.»

8. 23-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«истеъмолчиларга банк хизматларини кўрсатиш тартиби, шартлари ва қиймати, шу жумладан банк хизмати бўйича намунавий шартномалар матни (фақат расмий веб-сайтда);»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш курслари, чет эл валюталарини алмаштириш курслари, шунингдек валюта айирбошлаш операциялари учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдорлари (агарда мавжуд бўлса);»;

9. Қуйидаги мазмундаги 24<sup>2</sup> — 24<sup>6</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«24<sup>2</sup>. Банк омонати (депозити) шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бунда шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланилган ҳолда тузилганда, уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда офертани акцептлаш орқали ҳам расмийлаштириш мумкин.

24<sup>3</sup>. Банк ва омонатчилар ўртасида банк омонати (депозити) шартномаси, омонат суммаси банк кассасига қабул қилинган ёки омонат ҳисобварағига тегишли маблағ нақд пулсиз шаклда келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

24<sup>4</sup>. Банк омонатчига унинг пул маблағлари омонатга қабул қилинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатни ёзма шаклда ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон тарзда тасдиқлаб бериши лозим.

24<sup>5</sup>. Фуқароларнинг банкдаги омонатлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кафолатланган бўлса, банк омонати (депозити) шартномасида бу ҳақда маълумот акс этирилиши шарт.»

10. 26-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26. Банк омонати (депозит) шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига оғзаки тарзда қуйидаги ахборотни тақдим этади:

омонат (депозит) тури (талаб қилиб олгунча, муддатли, жамғарма);

омонат (депозит) муддати (мавжуд бўлганда);

омонатнинг (депозитнинг) энг кам суммаси;

мукофот ставкалари;

қўшимча битим тузмаган ҳолда омонат (депозит) муддатини узайтириш шартлари;

омонатни (депозитни) тўлдириш имконияти;

омонатни (депозитни) тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин қайтариб олиш шартлари;

фоиз ставкалари;

омонат (депозит) бўйича асосий сумма ва фоизли даромадларни тўлаб бериш тартиби;

омонатга (депозитга) қўшимча маблағ киритиш имконияти;

омонатга (депозитга) қўйиш мақсадида банк кассасига нақд пулларни топшириш ёки банк ҳисобварағига маблағларни ўтказишдан аввал банк билан депозит шартномасини расмийлаштириш шартлиги;

банк омонати (депозити) шартномаси бўйича назарда тутилган банк ва истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги тўғрисида.

Банк омонати (депозит) шартномаси масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали тузилганда, банк мазкур тизим орқали истеъмолчига шартнома тузилишидан олдин мазкур бандда кўрсатилган маълумотлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.».

11. 35<sup>1</sup>-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35<sup>1</sup>. Тижорат банкларига:

микроқарз шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка (жарима, пеня) ундириш;

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш тақиқланади.».

12. Қўйидаги мазмундаги 35<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«35<sup>2</sup>. Банкнинг дастурий таъминотида юзага келган носозликлар истеъмолчиларнинг мажбуриятларини ортишига ва уларнинг қонуний манфаатларига зарар етишига олиб келмаслиги лозим.».

13. 37-банднинг иккинчи хатбошиси учинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хабарномани қўлга топшириш ҳамда у ҳақида телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилиш маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача йўл қўйилмайди.».

14. 37<sup>3</sup>-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37<sup>3</sup>. Қарз олувчи-юридик шахснинг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юқининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланиши ҳақидаги шарт банк ва

қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасида акс эттирилиши лозим.».

15. Қўйидаги мазмундаги 37<sup>5</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«37<sup>5</sup>. Банк кредит бўйича тузиладиган гаров шартномасида банкнинг гаров таъминотига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарз олувчининг кредитнинг қопланмаган қисмидан ортиқ суммада гаров таъминоти суммасини камайтириш ҳуқуқини, шунингдек гаров таъминотини камайтириш тартиби ва усулларини акс эттириши шарт.».

16. Қўйидаги мазмундаги 38<sup>4</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«38<sup>4</sup>. Банк ўз филиали ёки унинг таркибий тузилмасида терминал орқали тўловларни амалга ошириш ёки банк картасидаги пул маблағини нақдлаштириш бўйича хизмат кўрсатганда банк картасини тақдим этувчига (банк карта эгаси ёки картани ишлатиш ваколати берилган шахс) ушбу картанинг «PIN-код»ини мустақил теришга имкон яратиб бериши лозим.».

17. Қўйидаги мазмундаги 40<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«40<sup>1</sup>. Банк томонидан истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда аниқ тартиб ва қўлланмалар кўрсатилган, шу жумладан мижозлар билан мулоқотга киришиш, эҳтиёжларини аниқлаш, маҳсулот/хизматни тақдим этиш, таклиф шакллантириш, эътирозлар билан ишлаш ва мулоқотни яқунлаш жараёнида банк ходимларининг хулқ-атвори ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларини назарда тутувчи мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари жорий этилиши шарт.».

18. 44-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Банк йўллайдиган талабномада қўйидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак:

банк номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;

талабнома расмийлаштирилган санадаги истеъмолчининг жорий қарзи миқдори ва таркиби;

қарзни тўлаш усул(лар)и;

истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);

талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;

низони судгача ҳал қилиш усуллари.».

19. 45-банддаги «ҳал қилишнинг суддан ташқари» деган сўзлар «судгача ҳал қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 46-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Истеъмолчи низони судгача ҳал қилиш юзасидан талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, банк судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.».

21. 6-бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«Якуний қоидалар».**

22. Қўйидаги мазмундаги 60-банд билан тўлдирилсин:

«60. Банк ўз ходимининг хизмат вазифасини бажариши давомида йўл қўйган ножўя хатти-ҳаракатлари натижасида омонатчига етказилган зарарлар бўйича жавобгардир.».

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 4 декабрдаги 55-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2020 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-2.***

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 25 декабрдаги 338-сон «Йўл ҳаракати қондаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-5.***

3. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2020 йил 15 декабрдаги 199-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 15-сон, 2020 йил 9 декабрдаги 138-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2020 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-2.***

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 11 январдаги 289-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2021 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 9 декабрдаги 26/7-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2021 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-6.*

### *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3049, 2018 йил 7 август).

*2021 йил 12 январда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

